



# ЎРГАНИШ ЭҲТИЁЖИ

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

“Чинда (чет элда) бўлса ҳам,  
илм иста”.  
(Ҳадиси шариф)

Тарихий манбаъларда машҳур бир ибратли воқеа келади. Қайсидир бир маъракада биринчи кун мусулмонларнинг ишлари юришмай, катта талофот кўришади. Шунда зудлик билан тўпланиб, воқеани таҳлил қилишади, сабабларини ахтаришади. “Қаерда хато қилдик экан? Динимизда қайси камчиликка йўл қўйдик экан?” деб роса бош котиришади. Ниҳоят топишади. Жанг олдида баъзилар динда суннат бўлган бир амални унутишган — тишларини мисвок билан тозалашмаган экан. Эртасига ҳамма мисвок қилади — суннатни ўрнига қўяди ва шу кун зафар кучишади. Ва хоказо...

Ўн тўққизинчи асрнинг 60-йилларига келиб, муқаддас тупроқларимиз, мусулмон халқимиз бегонанинг қўлига қарам бўлиб қолди. Бу оғир мусибатни миллатимизнинг гуллари бўлмиш уламоларимиз, мутафаккир зиёлиларимиз чуқур таҳлил этмасликлари, умматнинг хато ва нуқсонларини ўрганмасликлари мумкин эмас эди. Дарҳақиқат, улар кўҳна Туркистонимизнинг мағлубияти сабабларини теран ўргандилар, касалликнинг иллатини аниқладилар. Хулосаларидан бири шу бўлдики, кейинги асрларда миллат бир суннатни эмас, балки катта бир фарз амалини тарк қилган, яъни, илм таҳсилга эътибор бермай қўйган экан. Моддий тараққиётда дунёдан анча ортада қолиб кетилгани ва мамлакатнинг химоя салоҳияти заифлашгани шундан деб топилди. Тезлик билан ўлкада буюк бир маърифий ҳаракат бошлаб юборилди: ҳам диний, ҳам дунёвий билим берадиган мактаб-мадрасалар очилди, мусулмон ёшлар баъзи илғор мамлакатларга ўқишга йўлланди. Ва хоказо...

Энди биз — янги авлод вакиллари ҳам кечаги кунимизни ва бугунги ҳолатимизни таҳлил ва тадқиқ қилишга муқаллафмиз. Афсуски, биз мусулмонлар ҳамон илғор илм-фандан, янги технологик жараёнлардан анча орқаламиз. Илм деганда, фақат соф диний билимларни тушунамиз, унинг иккинчи қаноти бўлмиш дунёвий илмлар гўё бизга тегишли эмасдай. Боз устига, умумий танбаллик, фикрий ғайратсизлик, тор тафаккур ва ҳар бир янгилликка шубҳа-ғумон билан қарашлар оғир занжир каби оёқларимизга тушов бўлиб, бизни олға юривдан тўсиб келди. Камига, мустамлакалик, бировнинг қўлига ва фикрига қарамлик... Бу каби ҳолатларимиз ўзимизнинг илмий имкониятларимизга ишончсизлик қайфиятларини тугдирди.

Алҳамдулиллоҳки, Яратганнинг марҳамати ила мустақилликка эришдик. Бугун биз дунёда ўз овозимиз, ўз сўзимиз бўлишини истаяпмиз. Бунинг учун эса, ҳали кўп нарсаларни ўрганишимиз, тинмай илм олишимиз лозим. Севғили пайғамбаримиз (с.а.в.) илмни инсоният ҳаётини осонлаштирувчи восита деб билганлар. Фойдали илм қаерда бўлса, бориб олишга тарғиб қилганлар. “Чинда бўлса ҳам, илм иста”, деб буюрганлар. Албатта, Чин деганда у Зоти шариф (с.а.в.) узок ўлкаларни назарда тутганлар. Мустақиллик шарофати ила меҳрибон Аллоҳимиз бугун бизларга узокни яқин қилди. Бугун илм истаб Чинга (чет элларга) боришга қарийб ҳожат қолмади, бугун Чиннинг ўзи диёримизга кириб келди. Бири илм-фани, бошқаси янги технологияси; кимдир енгили, кимдир оғир саноати ва яна қай бири кишлоқ ҳўжалигидаги ютуқлари билан. Энг муҳими, ҳадиснинг кўрсатмасига том уйғун ўларок, давлатимиз ҳам бугун миллатнинг энг иқтидорли ёшларини чет мамлакатларга ўқишга юборяпти. Ва хоказо.

Фақат...

Аср бошларида тараккийпарвар муфтий Маҳмудҳўжа Бехбудий ҳазратлари бошлиқ аксар пенволаримиз ёшларни хорижга илм олишга жўнатишар экан: “Шубҳасиз, биз бугун дунёдан янги илмларни ўрганишимиз керак, лекин аввало мусулмон ўларок ўрганишимиз керак!” дея йўлланма беришган эди. Бугун ҳам шу масала ниҳоятда долзарбдир. Миллат ўзлигини йўқотмаслиги учун ҳам ажлодларимизнинг мазкур ўғитларини мўътабар тутиб, бу нозик ҳолатга диққат қилишимиз лозим. Чунки дунё турфадир — қадриятлари бошқа, дунёқарашлари бошқа. Илми юксак ривожланган бир ўлканинг, масалан, ахлоқи тубан бўлиши ҳам мумкин. Биз улардан ўрганишимиз лозим бўлган жиҳатларни ҳам, қабул қилмаслигимиз керак бўлган томонларни ҳам аниқ чегаралаб олмоғимиз керак. Негаки, илм-фанда ниҳоятда ўзиб кетган Ғарб бугунга келиб маънавият соҳаларида, одоб-ахлоқ масалаларида ўзи ўрганишга жуда муҳтождир. Ғарбнинг энг катта ақл эгалари ҳозир шу муаммо устида бош котиришяпти. Илми, меҳнатта муносабати, ўзаро муомалада тўғрисиўзлиги бугун Ғарбнинг фазилати, аммо киморхоналар, фоҳишахоналар, яна ашамбалохоналар унинг иллатидир. Фазилатини олайлик, иллатини инкор этайлик.

Ҳар қандай миллатнинг тил, дин, ахлоқ-одоб сингари химоя кўрғонлари бўлади. Бу кўрғонлар бой берилса, миллатнинг ўзига ҳослиги қолмайди. Шубҳасиз, бугун дунёдан янги илмларни ўрганишга эҳтиёжimiz катта, лекин аввало мусулмон ўларок, тилимизни, динимизни, ахлоқ-одобимизни сақлаган ҳолда, ўзимизнинг устун жиҳатларимизни асло унутмаган ҳолда ўрганишимиз керак. Шундагина дунёда ўзимизнинг сўзимиз, ўзимизнинг овозимиз бўлади.



Нуруллоҳ  
МУҲАММАД  
РАУФҲОН

«HIDOYAT»

Ўзбекистон мусулмонларининг  
ойлик диний-ижтимоий,  
илмий-адабий нашри

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД  
РАУФХОН

Таҳрир ҳайъати

Абдурашид қори БАҲРОМ  
Фозил қори СОБИР  
Абдураззоқ ЮНУС  
Отақул МАВЛОНҚУЛ  
Анвар ТУРСУН  
Эркин МАЛИК  
Сирожиддин АҲМАД  
Абдуқайом ҲИКМАТ  
Нуриимон АБУЛҲАСАН  
Абдулмажид МУСАБЕК  
Ғафур УМУРЗОҚ  
Исомиддин ОЛИМ ШАЙХ

Муқовани

Абдулбоқи ҳожи ИМОМХОН  
ўғли тайёрлади.

Бадиий муҳаррир  
Хайрулло ЛУТФУЛЛО

Ношир  
Тўлқин НУРМУҲАММАД

Тартибловчи  
Ёқуб УМАР

Матн терувчи  
Мунира МАСЪУДАЛИ қизи

Мусаҳҳиҳа  
Райҳона ХОЛБЕК қизи

Манзилимиз: 700069, Тошкент шаҳри,  
Зайқайнар 18-берккўча, 47а-уй.  
Телефонлар: 40-17-97.

Ўзбекистон Республикаси Давлат  
матбуот қўмитасида рўйхатга  
олинган. Гувоҳнома рақами 00079.  
Босмахонага 2000 й. 14 апрелда  
топширилди. Босишга 2000 й. 11  
апрелда рухсат берилди. Қоғоз  
бичими 84x108 1/16. Адади 5000  
нуска.

«Ofset-Print» масъулияти чекланган  
жамият босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент, Қирққиз, 10. 16-сон  
буюртма.

Баҳоси келишилган нарҳда.  
Макет асл нусхаси Pentium-166  
компютерида терилди ва  
саҳифаланди.

Таҳририятга келган қўлёзмалар  
қайтарилмайди. Мақолалар тақриз  
қилинмайди.

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

Журналимиз саҳифаларида оят ва ҳадислар  
берилаётгани учун уни ножоиз жойларга  
ташламаслигингизни сўраймиз.



Абдулазиз МАНСУР

ОМОНАТДОРЛИК  
ИЛА

Қуръони Карим маънолари янгидан  
хозирги замон ўзбек тилига ўғирилди.

Анвар ТУРСУН



НА БЕМОРГА  
ШИФО,  
НА ТАШНАГА СУВ

“Эй инсонлар), сизларга не бир мусибат етса, бас, ўз қўлларингиз  
қилган нарса — гуноҳ сабабли (етур)” (Шўро, 30).



Абдуқайом ҲИКМАТ

اللّٰهُ نُورُ السَّمَوٰتِ وَالْاَرْضِ

“Аллоҳ осмонлар ва ернинг  
нуридир”

оятини ўқиб...

ҚУРЪОН ИНГАН ТУПРОҚЛАР

Саудия Арабистонининг Ўзбекист-  
тондаги фавқулодда ва мухтор элчиси  
жаноб Абу Бакр Аббос РАФИЪнинг  
мухбиримиз саволларига жавоблари





Аҳмад МУҲАММАД ТУРСУН

13



## БИРОВНИНГ ҲАҚҚИ

Хўш, ана шундай ўғирлаб, алдаб ёки зўрлик билан топилган овқатни еб катта бўлган фарзандларимиз келажақда ким бўлиб етишади?

14

Омонуллоҳ МУТАЛ

## Оллоқулихоннинг тахтга ўтириши

... шаҳзода Оллоқулихоннинг тахтга ўтириши халқ томонидан қизғин кутиб олинган ва бунга сабаб отаси ҳаётлик давридаёқ давлат ва жамоат ишларида фаол иштирок этиб халқ орасида катта обрў орттира олгани эди.

Аҳмад Абдулжавод ад-ДУМИЙ

20

## ИСТИК МУСЛИМА

Бугун биз Расулуллоҳга (с.а.в.) дастлаб имон келтириб, у кишининг пайғамбарликларини эшитган заҳотиёқ тасдиқ этган, “Мўминларнинг онаси” деган улуғ номга сазовор бўлган биринчи мусулмон аёл ҳақида сўз юритамиз.

22

## ХОС ФИҚҲИЙ МАСАЛАЛАР

Аёллар учун



Фозил ЗОҲИД

## ЁЛҒИЗЛИК

Ким ёлғиз? Аллоҳдан узилган шахс жамиятда, оломон ичида бўлса ҳам, ёлғиздир. Ким ёлғиз? Сафарда минг ҳамроҳ ёнида юрса ҳам, Худони унутган йўлчи ёлғиз. Кимлар ёлғиз?..

24

Эмин УСМОН

26

## Саодатга ЭЛТУВЧИ ИЛМ

“Қутадғу билиг” асари устидаги тадқиқотлар беҳад кечикиб, фақатгина XX асрга келиб бошланди. XI асрда шундай асар ёзилгани ҳақидаги илк хабар бизнинг матбуотимизда 1914 йили эълон қилинди. Орадан ўн йил ўтгач, профессор Абдурауф Фитрат дostonнинг Наманган нусхасини қўлга киритди.

Шаъбон ДҲҲАН

28

## ИЛМ ВА ТЕХНОЛОГИЯ

Илмий кашфиётлар

Телевизордан нурланишгача

Рустамжон ТОҶИБОЕВ

30

## ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА ДАҲРИЙ БЎЛГАНМИ?

Ҳамзанинг ўлими ҳақида турли гаплар бор. Улардан бирида улуғ адиб ўлими советлар ГПУси томонидан пухта ишланган оператсиянинг натижаси экани айтилади.

32

«Дам олиш  
саҳифаси» да  
бошқотирма ва  
ёзув-топишмоқ



Абдулазиз МАНСУР<sup>2</sup>



# ОМОНАТДОРЛИК ИЛА

*Мамлакатимиз маънавий ҳаётида яна бир улуғ воқеа рўй берди. Муқаддас китобимиз Қуръони Карим маънолари янгидан ҳозирги замон ўзбек тилига ўғирилди. Бу масъулиятли ва шарафли вазифани шайх Абдулазиз Мансур жаноблари муваффақиятли амалга оширдилар. Таржима алоҳида китоб шаклида ўқувчилар қўлига яқинда етиб боради, иншааллоҳ. Биз бу улкан ҳодисани мусулмон халқимизга суюнчилар эканмиз, китобга битилган “Сўзбоши”ни ҳамда Фотиҳа сура-сининг ва Курсий оятининг таржималарини таҳририятимизга лутфан тақдим этган шайх Абдулазиз Мансур жанобларига миннатдорлик билдириб, сиз азизларга ширин бир мужда тариқасида ҳавола қилаётимиз.*

Маълумки, Қуръони Карим Аллоҳ таоло томонидан Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга 23 йил мобайнида сура, оят тарзида элчи фаришта Жаброил алайҳиссалом орқали илоҳий ваҳий сифатида, араб тилида, оғзаки нозил қилинган. Исломи дини таълимотининг асосий манбаълари — Қуръон, Суннат, Ижмо ва Қиёснинг биринчиси саналмиш бу Каломи шарифнинг тил ва баён жиҳатидан илоҳий мўъжизалиги ҳам уни араб тилида ўқиб, фикр юритгандагина тўла намоён бўлади. Бошқа ҳар қандай тилга ўғирилганда Қуръон тилига хос хусусиятлар, назмий услуб, мафтункор оҳанг ва руҳий таъсир ўз кучини йўқотади. Таржимон ҳар қанча маҳоратли, тажрибали, луғатга бой бўлмасин, оятларнинг арабча ҳолидаги мазмунини бошқа тилда мукамал ифода эта олмайди. Бу нарса инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқатдир.

Араб тилида ўқиб-англаш эса, ҳамманинг ҳам имконият даражасида эмас. Ҳатто арабларнинг ўзлари Қуръон оятларини тўла тушуна олмасликларини тан оладилар. Улуғ саҳобалар ҳам кўпдан-кўп оятлар мазмунида баҳслашиб, бир ечимга кела олмай, Расул алайҳиссаломнинг ўзларидан сўраб-аниқлаб олганлари тўғрисида саҳиҳ ҳадислар мавжуд.

Қуръони Каримни бошқа тилларга таржима қилиш ҳаракати анча қадимдан бошланган. Айниқса, араб бўлмаган халқларнинг Исломга киришлари бу ҳаракатга асосий сабаб бўлган. Гарчи Исломи уламолари оятларни ҳар қандай тилда шарҳлаб тафсир қилишга рухсат берсалар-да, бироқ сўзма-сўз таржима қилиб ёзишга мутлақо изн бермаганлар. Зеро, таржимани ёзиб қўйишлик билан Қуръон мазмуни шундангина иборат деган иддао бўлади, деб унинг масъулиятидан қўрққанлар. Шунинг учун ўзбек адабиёти тарихида ўзбекча тафсирларни учратамиз, аммо она тилимиздаги соф илмий таржималарни учратмаймиз.

Бизнинг асримизда Қуръони Карим жаҳон халқларининг кўпгина тилларига таржима қилинди. Шунингдек, ўзбек тилида ҳам бир неча таржималар пайдо бўлди. Эндиликда бу жараёни тўхтатиш амри маҳол. Бас, шундай экан, бу соҳада кундан-кунга тараққиёт сари интилиш мақсадга мувофиқдир. Аввалги таржималарда учраган камчиликларни такрорламаган ҳолда, тобора сифатли таржима ва тафсирларни таълиф этиш янги аср уламоларининг шарафли вазифаларидандир.

Бинобарин, шу жараёни давом эттиришдек масъулиятни зиммамизга олар

эканмиз, бунда мутлақо хато ва нуқсонлар йўқ, деган фикрдан йироқмиз. Беайб – Парвардигор.

Тақдим этилаётган таржиманинг ўзига хос хусусиятлари асосан қуйидагилардан иборат:

1. Таржима ҳанафийлик мазҳабига мувофиқ ҳолда тайёрланди. Бошқа мазҳаблар билан қиёсий тафсирилар изоҳда кўрсатилди.

2. Оятлар мазмунини имкони борича сўзма-сўз ифодалашга ҳаракат қилинди. Қўшимча, ёрдамчи сўз ва иборалар қавс ичида берилди.

3. Мураккаброқ ва шарҳга муҳтож оятларга саҳифа остида изоҳ берилди.

4. Амалда бўлиб келган кирилл ёзуви қоидаларига риоя қилинди. Яъни, 1990 йиллардан бошлаб, асосан диний адабиётларда бузила бошлаган имлолар қайта тикланди. Масалан: "Исо", "имон", "раб", "расул", "саҳиҳ", "Арафот", "салавот" каби арабчадан ўтиб қолган сўзларни баъзилар араб талаффузига мосламоқчи бўлишиб, кейинги пайтда "Ийсо", "иймон",

"Робб", "Росул", "саҳийҳ", "Арофат", "салават" шаклида ёзишга ўтган эдилар. Ваҳоланки, умумий урфда чет сўзлар қайси тилга кўчиб ўтса, ўтган сўз ўша тилнинг товуш ва имло қоидаларига бўйсунуши лозим. Қуръон оятлари қироатида ёки арабча жумла таркибида талаффуз этилгандагина тажвидга риоя этилиши керак бўлади. Агар биз арабчадан ўтган барча сўзларни тажвидга биноан ёздиган ва талаффуз этадиган бўлсак, китобхонларнинг ўқиши ва англашига катта қийинчиликлар туғдириб қўямиз.

Энг муҳими, мусхафнинг ушбу таржимасида жуда омонатдорлик билан, яъни, арабчада қандай бўлса, ўзбекчада ҳам ўша мазмунни тўла сақлаб қолишга ҳаракат қилинди. Бирор мақсадда бўрттириш ёки ўзгартириш қабилардан мутлақо холи бўлинган.

Сўзимиз интиҳосида азиз китобхонлардан банди оғизнинг саҳвларини афв этишларини, таржима тўғрисидаги фикрмулоҳазаларини билдиргудек бўлсалар, мамнуният билан қабул қилишимизни изҳор этамиз.

#### ФОТИҲА сураси

Маккада нозил қилинган. 7 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан (бошлайман).

1. Ҳамг оламлар Рабби – Аллоҳгаким,
2. (У) меҳрибон, раҳмли
3. ва жазо кун (қиёмат)нинг эгасидир.
4. Сенгагина ибодат қиламиз ва Сендангина ёрдам сўраймиз!
5. Бизни шундай тўғри йўлга бошлагинки,
6. (у) Сен инъом (ҳидоят) этганларнинг йўлидир,
7. ғазабга учраганлар ва адашганларнинг эмас!

#### КУРСИЙ ОЯТИ

255. Аллоҳ – Ундан ўзга илоҳ йўқдир. (У ҳамиша) тирик ва абадий турувчидир. Уни мудроқ ҳам, уйқу ҳам тутмас. Осмонлар ва ердаги бор нарсалар Униқидир. Унинг ҳузурда ҳеч ким (ҳеч кимни) Унинг руҳсатисиз шафоат қилмас. (У) улар (одамлар)дан олдинги (бўлган) ва кейинги (бўладиган) нарсани билур. (Одамлар) Унинг илмидан фақат (У) истаганича ўзлаштирурлар. Унинг Курсийси осмонлар ва ердан (ҳам) кенгдир. У иккисининг ҳифзи (тутиб туриши) Уни толиқтирмас. У олий ва буюқдир.



Анвар ТУРСУН

# НА БЕМОРГА ШИФО, НА ТАШНАГА СУВ



Тангрига беадад шукрлар бўлсин-ким, мамлакатимизда “Дин афюн-дир” дегувчи худосиз истибодод мафкураси барҳам топиб, унинг ўрнини “...дин бизнинг кон-қонимизга, онгу шууримизга шу қадар теран сингиб кетганки, уни ҳеч қандай куч, ҳеч қандай ташвиқот билан чиқариб бўлмайди. ...Алхамдулиллоҳ, бир мусулмон фарзанди сифатида халқимга хос исломий тушунча ва туйғулар менинг ҳам қалбимда, юрагимда барқарор ва мен бу дунёю у дунё ўз эътиқодимдан қайтмайман”, дейувчи Президент бошчилигидаги миллий мафкура эгаллади. Буюк ўзгаришлар ўз-ўзидан содир бўлмаслиги тарихдан маълум. Эндигина тетапоя бўлиб бораётган мустақиллигимиз ҳам бир қанча синовлардан ўтмоқда. Шулардан бири диёримизда ҳар хил “диний” оқимларнинг кенг пайдо бўлишию улар билан курашиш масаласидир.

Биз Аллоҳ таолонинг “бўлинманглар” деган амрига кулоқ солмасдан, фирқаларга бўлиниб кетдик. Укаларимизни, фарзандларимизни ҳар хил оқимларга кўшилиб кетишдан ушлаб қололмадик. Бу бепарволигимиз жазоси ўларок, бугун биз аламли азоб тортиб ўтирибмиз. Жиноят қилган ёшларимиз ҳибсда, яна бир тоифаси ҳали ҳам кўзи очилмай, ҳақиқатни англамай, залолатда давом этяпти. Айбни ўзларидан қидирмасдан, зўр бериб, бизга зулм бўляпти, демокдалар. Ахир Аллоҳ:

وَمَا أَصَابَكُمْ مِّنْ مُّصِيبَةٍ فِيمَا  
كَسَبْتُمْ أَيْدِيكُمْ

“(Эй инсонлар), сизларга не бир мусибат етса, бас, ўз қўлларингиз қилган нарса — гуноҳ сабабли (етур)” (Шўро, 30), деб қўйибди-ку? Шундай экан, нега айбни ўзларидан қидирмайдилар? Эҳтимол, бу йўлни тутишдан мақсадлари ўзи шудир?

Дарҳақиқат, баъзи ёшларимиз ўзлари билиб-билмасдан “Ҳизбут-таҳрир” (Озодлик партияси) деб аталмиш ва жумҳур уламолар томонидан инкор этилган фирқанинг фикрларига эргашиб, нотўғри йўлга кириб кетдилар. Улар орасида соф ниятли, аммо масаланинг моҳиятини ҳали англаб етмай адашиб қолган ёшлар борки, улар қаттагина тоифани ташкил қилади. Сўзимиз асосан шуларга қаратилган.

“Ҳизбут-таҳрир” аввалги хавориж, мўътазила, жаҳмия каби адашган фирқаларнинг меросхўридир. У эътиқод жиҳатидан ҳам, чиқарган фатволари жиҳатидан ҳам, тутган йўли жиҳатидан ҳам адашган фирқа.

Эътиқод масаласида адашгани шундаки, улар хабари оходни рад этиб, жуда кўп ақидавий ишларни бекор қилмоқчи бўладилар.

Хабарлар икки хил бўлади:

1. Мутавотир хабар. 2. Оход хабар.

Одатда бир ёлгонга келишиб олиши мумкин бўлмаган кўп кишилар тарафидан ривоят қилинган хабар мутавотир хабар дейилади. Шунинг учун ҳам мутавотир хабарнинг тўғрилигига шубҳа қилинмайди ва у қатъийликни ифодалайди. Бир киши тарафидан ёки бир ёлгонга келишиб олиши мумкин бўлган бир неча киши тарафидан ривоят қилинган

хабар оход хабар дейилади. Оход хабарга эса, шубҳа бўлиши, у гумонни ҳам ифодалаш мумкин.

Айрим олимларнинг фикрича, бутун уммат қабул қилган, уни қувватловчи яна бир ҳадис келган оход хабар ҳам қатъийликни ифодалайди. (Хатто ҳеч қандай шартсиз ҳам оход хабар қатъийликни ифодалайди, дегувчи олимлар ҳам бор.) Шундай хабарлардан айримлари:

- 1) Пайғамбаримизнинг (а.с.) бошқа пайғамбарлардан афзалликлари;
  - 2) Пайғамбаримизнинг (а.с.) қиёмат кунда одамларни шафоат қилишлари;
  - 3) Пайғамбаримизнинг (а.с.) гуноҳи қабира қилган кишиларни ҳам шафоат этишлари;
  - 4) Пайғамбаримизнинг (а.с.) Куръондан бошқа мўъжизалари;
  - 5) оламнинг яратилиши, фаришталар, жинлар, жаннату дўзахнинг сифатлари;
  - 6) қабр азобининг ҳақлиги ва бу азобдан паноҳ сўраш;
  - 7) Дажжолнинг чиқиши;
  - 8) қилкўприк, кавсар ва тарозу;
  - 9) одам онасининг қорнидалигидаёқ унинг бахтли ё бахтсизлиги, ризки ва ажалининг ёзиб қўйилиши;
  - 10) гуноҳи қабира қилганлар ҳам гуноҳларига яраша жазо олганларидан сўнг дўзахдан чиқиб, жаннатга кириши ва ҳоказо.
- Энди шунча ишни йўқ қилиш учун ҳизбчилар келтирган “далил”ларга тўхталсак. Улар оход хабар гумонни ифодалайди, унинг тўғрилигида шубҳа бор, тўғрилиги аниқ бўлмаган нарсага эътиқод қилиб



бўлмайди, дейишади. Бунга далил қилиб Аллоҳ таолонинг: “Улар фақат гумон-тахминга эргашурлар, холос. Аниқки, гумон ҳақиқатдан бирон нарсанинг ўрнига ўтмас” (Нажм, 28), деган оятини келтирадилар. Холбуки, бу оят мушриклар ҳақидадир. Наҳотки улар мушриклар эргашаётган гумон билан, мусулмонлар эргашаётган “гумон”нинг фарқи бормасалар? Ёки улар мушрик айтган гапнинг тўғрилигида қанча шубҳа бўлса, саҳоба айтган гапнинг тўғрилигида ҳам шунча шубҳа бор деб биладиларми?

Бунга қарши далил. Пайғамбаримиз (с.а.в.) атрофдаги мамлакатларни Исломга даъват этиб, элчи юбордилар. Табиийки, шу биргина элчининг даъват хабари ҳужжатга ўтиб, уларга даъват этиб боргани собит бўларди. Холбуки, у битта элчи асосан ақидага даъват этган. Пайғамбар алайҳиссалом Исломни ўргатиш учун Нажронга Абу Убайда Омир ибн Жарроҳни, Яманга Муоз ибн Жабални, Бусрога Дихятул Калбийни юборганлар. Аниқки, улар энг аввал ақидани ўргатганлар. “Хизбут-таҳрир”нинг нуқтаи назаридан боқилса, бу ўлкаларга Ислом етиб бормаган бўлиб чиқади. Чунки даъватни ёлғиз шахс олиб борапти.

Кўриниб турибдики, “Хизбут-таҳрир”нинг оход хабар ҳақидаги бу эътиқоди ақлни нақлдан устул кўйишдан келиб чиқаётир. Мўътабар салаф олимлари бундай аҳли каломларни каттиқ қоралаганлар. Имомлар йўлбошчиси Имом Абу Ханифага бундай ишлар ҳусусида савол берилганда, у киши шундай жавоб қилганлар: “Ўзингга оятни раҳнамо бил, салаф йўлидан юр, эътиқод ҳусусида янги пайдо бўлган нарсалардан сақланки, у залолатдир”. Имом Шофеъий эса: “Мен аҳли каломда бир мункарни кўриб, ҳаргиз унга яқинлашмадим. Зеро, инсоннинг Аллоҳ таоло ман қилган бирон-бир гуноҳ билан балоланиши илми калом билан балоланишидан яхшироқдир”, деганлар.

Ха, бу йўлнинг боши берк. У инсониятни нурга олиб чиқмайди, ҳақиқий саодатга элтмайди, аксинча, уни бемаъни мунозаралару тортишувлар уммонига гарк қилади. Шу ўринда умрининг кўп қисмини шунга ўхшаш масалаларга сарф қилган Абул Маолий Жувайнийнинг ўлим олдидаги иқрорини эслатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир: “Мен улкан тубсиз денгизда сузим. Аҳли Ислом ва уларнинг илмларини тарк қилдим, улар қайтарган йўлларга кирдим. Энди Раббим мени ўз раҳматига олмаса, ҳолим хароб. Огоҳ бўлингларки, мен онам эътиқодида (яъни, ҳамма мусулмонлар эътиқодида) дунёни тарк этмокдаман”, деб айтган у.

Имом Розий ўз замонасида аҳли каломларнинг ва ақлни пешво қилувчиларнинг имоми бўлган. Энди шу олимнинг эътирофини ўқинг: “Мен фалсафий, ақлий, каломий йўналишларнинг ҳаммасини мушоҳада қилдим. Лекин бу илмларда ҳар қанча маҳорат касб қилсам ҳам, уларнинг бирорта “бемор”га шифо берганини ёки бирорта “ташна”ни қондирганини кўрмадим. Ҳидоятга етишнинг энг осон йўли Куръони Каримдир...”

Бугунги “таҳрир”чилар ҳам бир кун келиб, биз хато йўлга кирган эканмиз, дейишдан бошқа чоралари қолмайди. Аммо унгача не-не ёшларимизни не-не балоларга гирифтор қилишадими, шуниси ачинарли.

“Хизбут-таҳрир” одамларга дастлаб ялтирок тарафлари билан яқинлашади. Дин дейди, Ислом дейди, халифалик дейди, мусулмонларга хуш ёқадиган гапларни айтади; ишни бузук ақидасини айтишдан бошламайди, балки бу бузук эътиқодотини сал нарига бориб, аста-секинлик билан ҳамда ҳалигиндай ялтирок жиҳатларга ўраб сингдириб юборади. Унинг хавфлилиги ҳам шунда.

Даъволарининг бетайинлигига яна бир далил: Имоми Бухорий ривоят қилишларича, Пайғамбар алайҳиссалом: “Сизлар қатлаи охирда (охирги ўтиришда) Аллоҳдан тўрт нарсдан паноҳ сўраб: “Парвардигоро, бизни

жаҳаннам азобидан, қабр азобидан, ҳаёт ва ўлим фитналаридан ҳамда Дажжол фитнасида ўзинг сақлагин”, денглар”, деганлар. Бу ҳам оход ҳадис. Хизбчилар, бундай дуо қилишни мустаҳаб дейишади-да, аммо унга ишонини ҳаром ҳисоблашади. Одам ўзи ишонмаган нарсанинг азобидан паноҳ сўрайдими? Биз қабр азобини тасдиқлаймиз, аммо унга ишонмаймиз, дейишади. Тасдиқлаган нарсага ишонмасликни қандай тушунса бўлади? Яъни, ишонмайдиган нарсани тасдиқлаш нима дегани? Холбуки, тил билан айтиш, қалб билан тасдиқлаш айни имон-ку!

Фикҳий масалаларда ҳам “Хизб” ҳақ йўлдан анча-мунча тойиб кетган. Баъзи ишлар юзасидан улар чиқарган фатволар қуйидагичадир:

1. Яланғоч суратларга, хайкалларга, филмларга қараш мубоҳ.

2. Номаҳрам аёлни шаҳватсиз ёки шаҳват билан ўпини, кучоклаш мубоҳ.

Яланғоч суратга қараш жоиз эмиш. Унда Аллоҳ таолонинг: “...кўзларини ҳаромдан тийсинлар” деган буйруғи қаерда қолади? Жонли одамга қараш билан жонсиз суратга қарашнинг фарқи бор, деб даъво қилишади улар. Бу далиллари ўзларига қарши. Жонсиз суратга жонли одам қарайди-ку, ахир. Жонли одамда шайтоний нафе бор...

Шариат инсонни айни шу хил фитнадан сақлашни ўйлайди. Хизбчилар эса, мусулмонларга бузғунчилик, фаҳш, ёмонлик эпикларини очинмоқчи. Муҳтарам ўқувчи, яхши билингки, уларнинг бу фатвоси ўтмишу ҳозирдаги жумҳур уламонинг фатволарига хилофдир. Бу фатвони фақат “Хизбут-таҳрир” айтган, холос.

Бегона аёллар билан кучоклашиш мумкин эмиш. Хўш, сиз хотинингиз, онангиз ёки синглингиз билан бир бегона эркакнинг кучоклашиб, ўпинишига розимисиз?

“Хизбут-таҳрир”нинг шунга ўхшаш нотўғри фатволари талайгина. Масалан, ўзининг маҳрамига уй-



ланиб олган кишига ўн йил камок жазоси берилади, дейди улар. Кўриб турибсизки, бундай фатволарнинг шариатга боғланадиган жойи йўқ, бильакс, унга зид келади. “Хизбут-тахрир”нинг асосчиси Такиййуддин Набахоний “Тақаттулул-ҳизбий” номли китобида ахлоқ хусусида тўхталиб, жумладан, бундай ёзади: “Энди эса, маданий ва хайрия жамоалари ёнига умматни ахлоқ асосида оёққа тургазишни мақсад қилган ахлоқий жамоалар пайдо бўлди ва улар, уйғонишнинг асоси ахлоқдир, деган эътибор билан маъруза ва иршодий даъватларга ҳамда ахлоқни тарғиб этадиган нашрлар чиқаришга зўр бермоқдалар. Лекин бундан натижа бўлмади. Уларнинг келтирган фойдалари шу бўлдики, аллаловчи мулоим сўзлари билан уммат туйғусини нозиклаштириб қўйдилар... Бундай жамоалар Аллоҳ субҳонаху ва таолонинг “Албатта, сиз улуг хулқ устидадирсиз”, деган оятини ва Расуллуллоҳ алайҳиссаломнинг: “Мен улуг ахлоқларни тўлиқ амалга оширмак учун юборилдим”, деган ҳадисларини нотўғри тушуниш натижасида пайдо бўлмоқда. Ваҳоланки, бу оят ва бу ҳадиснинг жамоага ҳеч қандай тегишли жойи йўқ, балки улар фақат Пайғамбар алайҳиссаломнинг шахсиятларигагина тааллуқлидир. Шунингдек шоирнинг: “Уммат ахлоқи билан умматдир, агар бир умматнинг ахлоқи йўқолса, албатта, ўзи ҳам йўқ бўлур”, деган шеъри ҳам хато ва ботилдир. Уммат ахлоқи билан эмас, балки ушлаган ақидаси, олган фикрлари ва татбиқ қилган низомлари билан умматдир!”

“Хизб”нинг бошқа бир машҳур даъватчиси бундай деган эди: “Мен шайх Такиййуддиннинг олдида кириб, ҳизб халқаларидаги дарс дастурига Қуръони Каримни киритишни таклиф қилдим. Шунда у менга қараб: “Қулоқ сол, эй Амин, сен менга ҳизбнинг ёшларини бузиб бермоқчимисан? Билиб қўй, менга дарвешларнинг кераги йўқ!” деди”.

Ана холос! “Хизб”га кирган ҳа-


қиқий мусулмон-у, Қуръони Каримни ўрганган дарвеш бўлибдими? Ноқис ақлни нақлдан устун қўйиш бундан ортиқ бўлмас!

“Хизбут-тахрир” ақида борасида, фикҳий ҳукмлар борасида қанчалик адашган бўлса, тутган йўлида ҳам шунчалик адашган. Унинг ғояси сароб, ҳаракати залолат бўлиб, яқинига борган одам ҳеч нарса йўқлигини кўриб, ташналигича ортига қайтади. Шариатни қўйиб, инсоний ноқис ақлга асосланган йўл бундан бошқача натижа бермайди. Ноқис ақлгина сонга, ададга — моддий қувватга сўянади. Ноқис ақлгина ўз ҳалдини билмайди, ўзини доно, ўзгаларни эса аҳмоқ деб билади.


Хулоса қилиб айтсак, бу оқимдан ўзимизни, фарзандларимизни, аҳобларимизни эҳтиётлашимиз лозим. Имом Курзовий айтадилар: “Фиск-фужур, хурофот ва бидъатга чакирувчилардан ҳеч иккиланмасдан ажралиш лозимдир”. Уларда одам сонининг кўпайиб бораётгани ёки юзаки қаралганда қатъийликка ўхшаб кўринган саркашликлари бизни чўчитмаслиги керак. Зеро, улар асосда янглишганлар. Асоси заиф бионинг эса, кўриниши ҳар қанча дабдабали бўлмасин, кулаши тез бўлади. Аллоҳ таоло айтади:

وَلَا تَهِنَّ الْبُيُوتُ لَيْتَ الْفُكَّابُوتُ

“Албатта, уйларнинг энг нимжони ўргимчак уясидир” (Анкабут, 41).



## Абдуқаюм ҲИКМАТ



Шоми шарифда (Сурия) хизмат сафарида бўлган чоғларимда қадимий ва кўҳна Дамашк шаҳридаги дўконларнинг бирида чиройли гиламча диққатимни жалб қилди. Айниса, унга гўзал ҳуснихат билан ёзилган ояти карима мени лол қолдирди. Оятни бир неча марта ўқиб, мазмунини чуқурроқ тушунишга ҳаракат қилдим. Ниҳоят, уни сотиб олдим. Гиламчага битилган ёзув Қуръони Каримдан Нур сурасининг 35-оятини эди:

اللَّهُ نُورُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ

“Аллоҳ осмонлар ва ернинг нуридир”.

Бир қараганда, оятнинг мазмуни тушунарли, содда. Лекин Аллоҳ осмонлар ва ернинг қандай қилиб нури бўлади? Бу нур ўзи нима? Шу ҳақда жуда кўп мулоҳаза қилиб юрдим.

Сурияда хизмат давомида қўлимга бир китоб тушиб қолди. Унда Жунайд Бағдодий ҳақида ушбу қисса келтирилган эди.

Аллоҳнинг авлиёларидан бўлган Жунайд Бағдодий талабалик даврида илм уммонини мукамал эгалладилар. Улуг даражаларга эришдилар. Кунларнинг бирида пир-устозлари:

— Эй Жунайд, энди сиз илм борасида етишдингиз. Одамларга бориб панду насихат, амри маъруф, нахи мункар қилинг, — дедилар. Жунайд бир оз тарадудланиб:

— Эй устоз, бош устига, сизнинг





# اللَّهُ نُورُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ

## “Аллоҳ осмонлар ва ернинг нуридир”

(Нур сураси, 35-оят)

амрингизга бош эгаман, лекин... лекин Аллоҳнинг ушбу оятларини ўқиб, мулоҳаза қилиб, бир оз кўрқувдаман, — дедилар. Устоз:

— Нечун хавфдасиз, эй Жунайд?— деб сўраганларида, у зот:

— Чунки Аллоҳ таоло Қуръонда: “Одамларни яхшиликка буюриб, ўзларингизни эсдан чиқариб кўясизларми? Ваҳоланки, ўзларингиз китоб тиловат қиялсизлар. Ақларингизни юргизмайсизларми?” (Бақара, 44), деган. Яна бир бошқа оятида:

كَبُرَ مَقْتًا عِنْدَ اللَّهِ أَنْ تَقُولُوا مَا لَا تَفْعَلُونَ

яъни: “Аллоҳ наздида ўзларингиз қилмайдиган ишни гапиришингиз катта гуноҳ ҳисобланади” (Саф, 3), дея таҳдид этган. Мен ҳам ўшандай ҳолга тушиб қолишдан хавфдаман. Демак, бу ояти карималардан маълум бўляптики, бир одам ўзга бир кишига панду насихат қилса-ю, айтганига ўзи амал қилмаса, Аллоҳнинг ҳузурда ундай одам ақлсиз, жинни ҳисобланар экан. “Саҳиҳи Бухорий”да ҳам Ҳасан ибн Зайддан (Аллоҳ рози бўлсин) бу ҳақда ушбу ҳадиси шариф ривоят қилинди: “Мен Расулulloҳдан (с.а.в.) эшитган эдим, у зот шундай дедилар: «Бу ҳаёти дунёда амри маъруф, наҳи мункар қилиб юрган, лекин ўзлари амал қилмаганлар Қиёмат кунда ичак-чавақларига чалишиб-ўралашиб, хору зор бўлиб юрганларида, жаҳаннам аҳллари тўпланишиб: “Эй фалончи, нега бундай аҳволга тушиб қолдингиз? Ахир, сиз бизни яхшиликка буюриб ёмонликдан қайтарар эдингиз-ку?” деб сўрашади. “Ҳа, яхшиликка буюрар эдим-у, лекин ўзим

амал қилмасдим. Ёмонликдан қайтарар эдим-у, аммо ўзим ёмонликни қилардим. Мана шунинг учун шундай аҳволга тушиб қолдим”, дер экан.

Жунайдининг сўзларини эшитгандан кейин устоз ҳам ҳеч нарса дея олмай:

— Ҳа, майли, ўзингиз биласиз, — дея рози бўлдилар.

Шундан сўнг Жунайд уйга қайтдилар. Ҳуфтон намозини ўқиб уйкуга кетдилар. Уйкуда бир туш кўрдилар. Тушлариға башарият оламининг энг улуг зоти бўлмиш Расулимиз Муҳаммад (с.а.в.) кириб: “Эй Жунайд! Боринг, одамларга мавъизаи ҳасана қилинг”, дедилар.

Жунайд шошганларича ўринларидан туриб, таҳорат олиб, ховликиб устоз ҳузурларига илдам кетдилар. Эшикни тақиллатиб, салом берар-бермасларидан устоз: “Эй Жунайд, менинг сўзим кифоя қилмаган эдимми?” дедилар...

Қиссанинг шу ерига келганда менинг ҳам фикрларим тўлин ойдек ёришиб кетди. Зеро, юқорида зикр қилинган “Аллоҳ осмонлар ва ернинг нури” деган оятнинг мазмуни мана шу жойда менга сирли маъноларини ошкор қилгандек бўлди. Биз бир кишига телефон қилсак, сим орқали сўзлашамиз. Ратсияда ҳаводаги тўлқин орқали гаплашилади. Аллоҳ таолонинг улуг бандалари эса, Раббимизнинг нури орқали сўзлашар эканлар.

Билдимки, “Аллоҳ осмонлар ва ернинг нури”, деганда Аллоҳнинг нури илохийси коиноту борлиқни қамраб олгани тушунилади. Холиқнинг қудрати ҳамма нарсага қодирдир. Унинг амрига барча инсу жин, ҳайвону наботот, еру осмон итоатдадир. У:

“Бўл!” деса, барча нарса ўша заҳоти бўлиб қолади.

Яна қиссамизга қайтсак. Жунайд пир-устоз сўзларидан лол бўлиб қолдилар. Ажабо, қандай... қандай қилиб устоз мен Расулulloҳни тушда кўрганимни билдилар экан, деган фикрлар чулғаб олди.

Ҳақиқатда ҳам Пайғамбаримиз (с.а.в.) сўзлари борки:

“Ким мени тушида кўрса, ҳақиқатда мени кўрибди, чунки шайтон менинг қиёфамга кира олмайди”.

Шундан сўнг Жунайд ваъз қилиш учун масжидга йўл оладилар. Муносиб кийимларни кийиб, қўлларига хасса олиб, минбарга турадилар. Аллоҳга ҳамд, Пайғамбарга (с.а.в.) дурудуну салаватларни айтиб, энди сўз бошлайман деб турганларида, Ислому олими тусида кийиниб олган бир мажусий савол ташлаб қолади:

— Эй Жунайд, менга Муҳаммад Расулulloҳнинг (с.а.в.) мана бу ҳадисларининг шарҳини айтиб бер: “Мўминнинг фаросатидан кўрққин, чунки у Аллоҳнинг нури билан қарайди”.

Жунайд бир оз сукутда туриб қолдилар. Халқ эса, энди Жунайд бу саволга қандай қилиб жавоб қайтаради, ушбу ҳадиснинг шарҳига нима дер экан, деб мунтазир турарди. Бирдан Жунайдининг жарангли, шижоатли ва қатъий овозлари жимликни бузди:

— Эй сен! — дея мажусийга муурожаат қилдилар. — Мўминнинг фаросатидан кўрққин, (чунки) у Аллоҳнинг нури билан қараши рост. Сен кофирсан, мажусийликни ташла, Исломуни қабул қил!

Азиз ўқувчи мўминнинг фаросати нури илохий билан савол берувчининг қандай одам эканини ажратиб, англаб олди.

Демак, биз Аллоҳ жалла жалалуҳунинг ҳар бир оятини қўлимиздан келганича тўғри ўқишга, тўғри тушуниб, тўғри тафаккур қилишга, билмаганларимизни билувчи уламолардан англаб олишга жидду жаҳд қилишимиз лозим бўлади. Аллоҳ каломининг маъноларини теран тушунмасдан, асосли равишда билиб олмасдан уларни ўзгаларга айтишга шояшмаслигимиз керак, албатта.

— Мухтарам Элчи жаноблари! Аввало, Сизни ва Сиз бошчилик қилаётган элчихона ходимларини бу йилги Қурбон ҳайити ва янги Ҳаж мавсуми билан таҳририятимиз номидан муборакбод этаман. Маълумки, Саудия Арабистони дунёдаги барча мўмин-мусулмонлар учун муқаддас заминдир. Ҳаммамизнинг қалбларимиз узилмас ришталар ила боғланган мамлакатдир. Чунки “шаҳарлар онаси” Маккаи Мукаррама ҳамда Пайгамбар (с.а.в.) шаҳарлари Мадинаи Мунаввара ўша ерда. Аллоҳнинг уйи ва Расулulloҳнинг муборак равзалари бор у диёрда. Қолаверса, Миноси, Арафоти, Муздалифаси бор. Ҳироси, Замзами бор. Сухбатимиз муборак Ҳаж арафасида кечаётгани учун мавзу-

Саудия Арабистони Осиё қитъасининг жануби-гарбида жойлашган мамлакатдир. Пойтахти Ар-Риёз шаҳри. Шимоли-шарқдан Қувайт давлати, шимолдан Ироқ, Урдун, шарқдан Форс кўрфази, Баҳрайн, Қатар ва Бирлашган Араб Амирликлари, гарбдан эса, Қизил денгиз, жанубдан Уммон ва Яман давлатлари чегаралаб туради. Аҳолиси 17 млн. киши. Ер майдони 2 млн. 250 минг кв. км. Катта шаҳарлари Ар-Риёз, Жидда, Тоиф, Маккаи Мукаррама ва Мадинаи Мунаввара. Макка билан Мадина орасидаги масофа 452 км. Мамлакат иқлими иссиқ.

Давлат конституцияси Қуръони Карим ва Расулulloҳнинг (с.а.в.) суннатларига асосланади.

**Маккаи Мукаррама.** Шаҳарга Ҳазрати Иброҳим (а.с.) билан ўғиллари Ҳазрати Исмоил (а.с.) асос солишган. Қуръонда унинг номи “Умм ал-Қуро” ҳамда “Ал-Балад ал-Амин” бўлиб ҳам келади. Денгиз сатҳидан 330 метр баландликда жойлашган, ер майдони 4800 гектардан ошади. Аҳолиси 600 минг кишидан ортиқ. Ҳаж палласида

# ҚУРЪОН ИНШАН

Саудия Арабистонининг Ўзбекистондаги фавқуллоҳда ва мухтор элчиси жаноб Абу Бакр Аббос Рафиънинг мухбиримиз саволларига жавоблари

нинг бошини шу масаладан белгиласак. Ойномамиз ўқувчиларини Саудия ҳукумати ва халқи ҳар йилги Ҳаж мавсумига қандай тайёргарлик кўриши қизиқтиради.

— Саудия Арабистони мамлакати Аллоҳнинг меҳмонлари бўлмиш ҳожилар ҳаж арконларини ҳар жиҳатдан тўла-тўқис, хотиржам ва қулай адо этишлари учун барча шарт-шароитни яратган ва ҳар йили бу йўлда янги-янги хизматлар кўрсатишга астойдил ҳаракат қилмоқда. Ушбу мақсадда мамлакатнинг Ҳаж вазирлиги биродар ва Ислоҳ давлатларининг вакиллари билан жуда эрта вақтдан бошлаб тайёргарлик кўради. Йўл кийинчиликларини бартараф



қилиш, Ҳаж амаллари ва арконларини бажаришда учраши мумкин бўлган тўсиқ ва мушкул ишларни ҳал этиб, енгиллик яратиш

ҳақида маслаҳатлашадилар ва келишиб оладилар.

— Бу борада элчихонанинг фаолияти қандай? Ўзбекистондан




бу миқдор бир неча баробар кўпаяди. Шаҳарнинг ҳамма кўчалари Каъбатуллоҳга элтади.

**Мадинаи Мунаввара.** Исломгача номи Ясриб бўлган. Расулуллоҳнинг (с.а.в) ҳижратларидан кейин “Пайгамбар шаҳри” сифатида тарихда қолди. Макканинг шимолроғида жойлашган. Икки муқаддас шаҳарни боғлаб турадиган тезоб йўл “Тариқ ал-Ҳижра” (Ҳижрат йўли) деб номланди. Денгиз сатҳидан 625 метр баландликда. Ёзда иссиқ, қишда совуқ иқлим. Майдони 50 кв. км, аҳолиси 300 мингдан ортиқ. Хурмозорлари дунёга машҳур. Шаҳардаги Ислом дорулфунунида бутун дунёдан талабалар ўқийди.

**Каъбатуллоҳ.** “Байтуллоҳ” ҳам дейилади. Қорамтир тошлардан қурилган ва устидан қора мато ёпилган. Аммо у кўплар хато ўйлаганидек, битта муаллақ қора тош эмас, балки росмана уйдир. Бўйи 12 м. 04 см, эни 9 м. 09 см, баландлиги

12 м. 95 см.дир. **Ҳажарул асвад** (қора тош) эса, Каъба эшигининг ўнг томонидаги бурчакка, кўкрак баравар баландликка қўйилгандир.



мат хизмат қилади. Ҳаж давомида ҳожиларга турли китоблар ҳамда Куръон тиловати ёзилган аудио кассеталар ҳада қилинади.

Ҳар куни ҳожиларга 1,5млн. дона нон, 1млн. бўлак муз етказиб турилади. Тозаликни асрашга 23 минг киши ажратилган. Ҳожиларга 14 минг таҳоратхона қурилган.

Ҳар йилги ҳаж мавсумида 30 га яқин давлатта 500 минг дона қурбонлик қўйлар тортиқ этилади.

Қурбонликни адо этишга 300 нафар мол дўхтирлари, 6000 кассоб, 3000 ёрдамчи, шунингдек, ҳисоб-китоб учун 700 нафар банк ходимлари қатнашади. Ва ҳоказо...

— Энди Саудия Арабистонининг кундалик ҳаётидан сўзлаб берсангиз. Қишлоқ хўжалиги, саноати, ўқув юртлари ҳақида.

— Саудия Арабистонининг саноати, иктисоди, қазилма бойликлари серқиррадир. Мамлакат улкан нефт ва газ захирасига эга. Четга ҳам катта миқдорда сотилади. Яна бошқа жуда кўп ерости қазилма бойликлари мавжуд. Жумладан, олти юз жойда олтин топилган. Мамлакатда қумуш ҳам талайгина. Булардан ташқари, темир, мис, кўрғошин ва бошқа ерости бойликлари қазиб олинади.

Мамлакат қишлоқ хўжалигида 3 млн. 429 минг 982 тонна бугдой, жуда кўп миқдорда хурмо, гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Паррандачилик ва балиқчилик ҳам ривожланган. Мамлакатда нақлиёт почта, электрлаштириш тармоқлари дунё талаблари даражасида. Телера-

# ТУПРОҚЛАР

қанча ҳожи қабул этилади ва қанақа хизматлар кўрсатилади?

— Бу йил муборак ҳаж ибодатини адо этиш учун Ўзбекистон Республикасидан борадиган ҳожиларнинг сони қарийб 4100 кишини ташкил этади. Элчихона хизматчиларининг сони эса, бундан ҳам кўпроқ ҳожиларнинг хизматини адо этишга етарлидир. Ҳожиларга кўрсатиладиган хизмат ва қулайликларга келсак, бу ҳақда, биз умид билдирамизки, ҳожиларнинг ўзлари у ерда яшаб, ҳаж арконларини адо этиш жараёнида ўз кўзлари билан кўриб амин бўладилар ва, иншааллоҳ, ватанларига соғсаломат қайтгач, ўзлари гапириб берадилар. Хусусан, икки муқаддас ва шарафли масжидларнинг хизматчиси подшоҳ Фаҳд ибн Абдулазиз бошчилигидаги Саудия Арабистони ҳукумати бутун дунёдан келадиган Раҳмон меҳмонларига хизмат қилиш, қулайликлар

яратиб бериш учун барча куч-қувватларини сафарбар қилади.

**Шу ўринда ўқувчиларимиз диққатига баъзи бир қўшимча маълумотлар ҳавола этаминиз. Аввало, подшоҳ Фаҳд ибн Абдулазиз ўзининг шахсий маблағи ҳисобидан ҳожиларга ҳар йили 50 млн. литр яхна сув улашади. Аллоҳ меҳмонларини ташишга 7800 атрофида автобуслар ташкил қилинган. Шунингдек, Саудия аҳоли йўл уловидан ҳам 1000 дан ортиқ автобус хизмат қилади. Ҳаж мавсуми давомида 5362 ўринли 22 шифохона, 137 тиббий марказ узлуксиз хизмат қилиб туради. Умуман, тиббий ёрдам учун 10.000дан ортиқ ходим сафарбар этилган. Тезёрдам машиналари 428дан ортиқ. Макка ва бошқа муқаддас жойларга 1048 та телефон автомат ўрнатилган. Мадинанинг ўзида 480та телефон авто-**

дио, компютер тизимлари, матбуот жадал суратда ривожланмоқда. Кейинги йилларда спорт соҳасида катта ўзгаришлар бор.

Энди таълим ва тарбия мавзуига келсак, бу жиҳатга жуда катта аҳамият берилади. Мактабларда бошлангич, эъдодий ва ўрта таълим жорий қилинган. Саудия Арабистонида еттига йирки университет фаолият кўрсатади. Ар-Риёз университети, Жидда университети, Мадинаи Мунавварада Исломи университети, подшоҳ Фахд номидаги нефт ва маъданлар университети шулар жумласидандир. Бу олийгоҳлардан турли соҳалардаги мутахассислар: кишлоқ хўжалиги, тиббиёт, табиий фанлар, хандаса, тарбия, иқтисод, идора-бошқарув, ижтимоий фанлар ҳамда исломий ва шаръий билимларга эга бўлиб чиқади.

Тиббий олийгоҳларнинг сони қирк бешта бўлиб, шундан ўн саккизтаси аёллар учундир.

— *Ўзбекистон билан Саудия Арабистони ўртасидаги ҳамкорликлар қай даражада? Халқимизга, ҳожиларимизга тилақларингиз.*

— Саудия Арабистони билан Ўзбекистон республикаси ўртасида алоқалар жуда яхши. Ўзбекистон ўзининг истиқлолини эълон қилганда Саудия Арабистони уни биринчилардан бўлиб мустақил давлат сифатида эътироф этди. Ўзаро муштарак ҳамкорлик алоқалари икки томон

фойдаси учун ҳал бўладиган асосда қурилган.

Элчилар даражасида дипломатик алоқалар ўрнатилди. Мен мустақил Ўзбекистон республикасида Саудия Арабистонининг биринчи элчиси бўлиш шарафига муяссар бўлганимдан беҳад мамнунман.

1997 йил 24 мартда Ўзбекистонда Саудия элчихонаси очилди. 1997 йил 6 июн куни эса, Ўзбекистон республикаси Президенти Исом Каримов жанобларига элчилик ишонч ёрлиғини тақдим этдим.

Фурсатдан фойдаланиб, олий ва қодир Аллоҳдан барча ҳожиларнинг ҳаж ибодатларини ўз даргоҳида қабул айлашини дуо қилиб сўрайман. Аллоҳ уларнинг гуноҳларини мағфират айлаб, ўз юртларига соғ-саломат қайтишларига муваффақ қилсин. Биродар ўзбек халқига, унинг йўлбошчиси Президент жаноби олийларига, у зот бошчилик қилаётган Ўзбекистон ҳукуматиغا ривож ва равнақ тилайман.

Сўзимни тугатар эканман, жаноби Исом Каримовнинг Ўзбекистон республикасига қайта юртбоши бўлиб сайланишлари муносабати билан чин қалбдан самимий қутлайман. Ҳамда у кишига бу машаққатли ишларида Аллоҳ таоло мадақкор бўлишини тилаб қоламан.

Шу билан биргаликда, дўст Ўзбекистон халқини Қурбон байрами билан самимий муборакбод этиб, тинчлик, хотиржамлик ва сихат-саломатликни Аллоҳдан сўрайман.

Аҳмад  
**МУҲАММАД ТУРСУН**

Яқинда бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Икки дўст шерикчилик асосида кичик корхона қурмоқчи бўлишиб, ўртага баравар пул ташлашди. Иккинчисининг хорижлик сармоядор таниши бор экан, уни зарур дастгоҳлар олиб беришга кўндиришди.

Иш қизиқ кетди. Шаҳарнинг қоқ марказида нақшлар билан безанган корхона биноси тикланди. Дастгоҳлар келтириб ўрнатилди. Ишлар юришиб, маҳсулот ҳам харидоргир чиқиб қолди. Фойда катталашаётганини кўрган биринчи йигитни шайтон васваса қила бошлади: “Шунча пулни индамай анави икковига бериб юборавераманми? Қурилишни асосан ўзим қилган бўлсам. Пул қўшган бўлса, қайтарарман. Мободо, кўнмаса, додини Худога айтсин!”

Хуллас, у шеригига пулни бўлтак-сўлтак қилиб қайтарди. Ўртадаги шартни бузиб, корхонага яқка ўзи хўжайин бўлиб олди. Маблағ қўшган, елиб-югурган, хориждан дастгоҳ келтирган нариги шерик “додини Худога айтиб” қолаверди...

Бозор иқтисодиёти муаммолари нафақат кишилар турмушига, балки улар ўртасидаги муносабатларга, ахлоқ-одобга, одамийлик қўринишларига ҳам жиддий таъсир кўрсатди. Бугун кимдир шеригининг ўртадаги маблағни ўмариб кетганидан зорланиб юрибди. Яна бирови танишининг қарз олиб, бермай кетганидан фигони фалакда. Савдода эса, алдамчилик, тарозидан уриш, айбли молни мактаб сотиш, судхўрлик каби иллатлар одатий тусга қириб борапти. Хуллас, аксарият одамлар ўзгаларнинг ҳаққидан қўрқмайдиган, ҳазар қилмайдиган бўлиб қолди. Нега шундай?

Аслида, бу ярамас иллатларнинг илдизлари анча илгарига бориб тақалади. Зўравон советлар ҳукумати одамларнинг ер-сувини, мол-мулкни, бойлигини тортиб олди. Ҳамма нарса умумники, деган шиорни зўр бериб тарғиб қилди. Оқибат, “бировнинг ҳаққи” деган тушунча истеъмолдан чиқди. Ҳеч ким ўзганининг ҳаққидан чўчимайдиган бў-



Арабча ўйин: чопқир туялар пойгаси



либ қолди. Ваҳоланки, болшавойлар босқинига қадар бу ўлкада мусулмонларнинг аксари ҳалолликда, покликда, таквода, бировнинг ҳаққидан кўрқишда ном чиқарган эди. Улуғ алломаларимизнинг, салафи солиҳларнинг ҳаётлари, амаллари, ибратлари тилдан тушмасди, уларга эргашиларди. Қолаверса, бировнинг ҳаққини еган, харидор ҳаққидан уриб қолган, ўзгани аздаган ёки зулм қилган одамлар муқаррар жазосини оларди...

Келинг, биз ҳам аждодларимизнинг ибратомуз фазилатларига бир қур назар ташлайлик.

Мазҳаббошимиз Имоми Аъзамнинг такволари, ҳалолликлари, ўзганинг ҳаққидан ҳазар қилишлари ҳақида замондошлари қўп вақеаларни нақл этишган. Бу зот молнинг нуқсонини айтишни унутиб сотгани учун савдогарликдаги ўттиз йиллик шериклари Ҳафс ибн Абдурахмон билан ажрашиб кетганлар.

Бир куни қўй ўғирланганини эшитадилар. Ва кишилардан қўй неча йил умр кўришини сўрайдилар. “Етти йил”, дея жавоб қилишади. У зот ўша ўғирланган қўйнинг гўшти овқатимга аралашиб қолмасин, деб етти йилгача қўй гўшти тановул қилмайдилар.

Ҳазрати Амир Кулолнинг онаси айтади: “Кулол қорнимда экан, ногоҳ шубҳали лўкма ютиб қўйсам, кўкрагим остида шу қадар қаттиқ оғриқ турардики, ҳатто ҳушдан кетиб қолардим. Кейин маълум бўлдики, бу ҳол покиза фарзандим баракотидан экан”.

Такво ва зухда, ҳалоллик ва покликда ном чиқарган бир наманганлик киши ҳақида сўзлаб беришган эди. У зот ниҳоятда камбағал бўлиб, маҳалла аҳли маблағ тўплаб, уйлаб қўйган экан. Уйи йўқлигидан бировнинг ҳовлисида ижарада ўтираркан. Бирин-кетин фарзандлар туғилгач, кўни-кўшилар маслаҳатни бир жойга қўйиб, ҳашар билан уй қуриб беришибди. Бир куни

қарашса, у янги ҳовлини ташлаб, яна ўша эски жойига кўчиб келибди. Сабабини сўрашса, индамабди. Қистовга олишавергач, воқеани айтиб берибди. Маълум бўлишича, кўшнинг бир туп ўриги девор оша буларнинг ҳовлисига ҳам шохлаган экан. Ўрик пишганда тўкилганларини фарзанди оғзига солганини кўриб, ҳовлини тарк этиб келаверибди. Гўдақларининг халқуми бошқанинг ҳаққи билан бўлганини истамабди.

Ўтмишда бунақа воқеалар жуда кўп бўлган. Халқимиз бировнинг ҳаққи деб ҳаттоки девор оша осилиб турган дарахт шохини синдириб, тиш қовламаган, таклиф қилинмаган жойга бормаган, изн сўрамасдан қирмаган, дастурхондан ҳеч нарсани фарзанд-набираларига илинмаган.

Ана шундай ҳаёт кечирган отабоболарнинг фарзандлари бугунга келиб ўзганинг ҳаққидан кўрқиш ўрнига ҳеч тап тортмай, алдов билан бировнинг молини тортиб олишгача, шерикларга хиёнат қилишгача етиб боришяпти. Тўймаърақага борган айрим кишилар “боламга, набирамга”, дея чўнтақларини конфет, пистага тўлдириб қайтади. Боғчада, шифохонада, билим юртида ишлайдиганларнинг баъзилари сумкани тўлатиб кетишади. Айримлар бировдан пул, буюм, мол олиб, қайтариш “эсларидан чиқиб” қолаверади. Ишхонасидан у ёки бу нарсани кўтариб кетаверадиганлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Хол шунга бориб етдики, одамларники қолиб, Аллоҳ таолонинг байти масжидлардан гилам, китоб ва бошқа буюмларни ўғирлашдан ҳам ҳазар қилинмайдиган бўлиб қолди.

Хўш, ана шундай ўғирлаб, алдаб ёки зўрлик билан топилган овқатни еб катта бўлган фарзандларимиз келажакда ким бўлиб етишади? Уларнинг ахлоқи, тарбияси қандай бўлади?

Қуйидаги ривоят бугун биз учун

старли сабоқ бўлар, балки.

Бир болақай доим айрончининг айрон халтасини бигиз билан тешиб, шимиб қочаркан. Айрончи охири боланинг отасига шикоят қилибди.

Ота ўйланиб қолибди: “Ўғли қачон ҳаром лўкма еди экан?” Ўйлаб ўйига етолмабди. Кейин хотинидан сўрабди. Хотини ҳам ҳеч қачон шубҳали таом едирмаганини айтибди. “Йўқ, - дебди эр, - фақат ҳалол еб ўсган бола ҳеч қачон ўғрилик қилмайди”. Кейин хотини ўйлай-ўйлай бир ҳолни эслабди... Ҳомиладорлик пайтида дугонасиникига борган, у ерда ўсиб турган лимонни кўриб, кўнгли суст кетган, дугонаси чиққанида игнатугма билан лимонни тешиб озгина шимган экан. Эрга ҳамма нарса ойдинлашибди, хотинига дакки бериб айтибдики: “Сенинг қўлингдаги игна болангнинг қўлига бигиз бўлиб қайтди”.

Ҳаром таомдан улғайган бола, албатта, бузук, зулмкор бўлади, унга ҳеч қандай панд-насихат, таълим қор қилмайди, чунки ҳаромда шайтон бор, ҳаром лўкма билан бирга шайтоний табиат ҳам боланинг танига сингиб боради. Бежизга Аллоҳ таоло Куръони Каримда: “Мол-дунёларингизни ораларингизда ноҳақ - ҳаром йўллар билан еманглар! (Яъни, бир-бирингизнинг ҳаққингизни еманг!) Ва билиб туриб, одамларнинг молларидан бир қисмини ҳаром йўл билан ейиш учун (молларингизни пора қилиб) ҳокимларга узатманг!” деб огоҳлантирмаган (Бақара, 188). Абу Саид Худрийнинг ривоят қилишича эса, Ҳазрати Расулulloҳ (с.а.в.): “Қимки ҳалол еб-ичса, суннатга мувофиқ амал қилса, одамларга зарар етказмаса, жаннатга қиради”, деганлар. Ҳа, бировнинг ҳаққини ейиш ҳаром экани Куръони Карим ва суннати набавийа ҳукми ила собит бўлган. Ким ўзини уларга таслим санаса, ҳаромдан ҳазар қилсин, ўзганинг ҳаққига тажовуздан тийилсин. Шундагина Ислому уммати номига муносиб бўламан.



Хива расмий ҳужжатларида, шунингдек, Огаҳийнинг "Риёз уд-давла" асарида исми шарифи "Абул Музаффар вал-Мансур Абул Фозий Оллоқули Муҳаммад Баҳодурхон" деб юритилган хон тарихда "Оллоқулихон" номи билан машҳурдир. У ўзбекнинг қўнғирот уруғидан бўлиб, шажараси Муҳаммад Раҳим (1806-1825 йиллари хон бўлган), Авазбий иноқ (1790-1804 йиллар қўғирчоқ хон номидан ҳукмронлик қилган), Муҳаммад Амин иноқ (тах. 1762 йилда Хива хонлигида қўнғирот сулоласига асос солган) ва Эшмуҳаммаддан иборатдир.

"Риёз уд-давла" асарида Оллоқулихоннинг тахтга ўтириш муддатини жуда аниқ, яъни, йил, ой, кунини, ҳатто қай соатда ва қай йўсинда амалга оширилганини ҳикоя қилинади.

"Муҳаммад Раҳимхон I тақдир тақозосига тан бериб, ул кеча қазоси етгач, Хоразм мамлакатининг жами донишманд улуғ ва катталари, машҳур ва меҳрибон шаҳзодалари, қудратли ва олижаноб давлат арбоблари жам бўлишиб кенгашдиларким, шу тартибга келтириб қўйилган салтанат, яъни, дину давлат низоми, мулк ва миллат мақоми кимга муносибдир. Кенгаш аҳли маслаҳатлашиб олгандан сўнг, барча улуғлар иттифоқ билан ҳазрат соҳибқироннинг (Оллоқулининг) азиз бошини хонлик тожини кийишга лойиқ деб топдилар ва унинг қобилиятини ҳукмронлик қилишга мувофиқ кўриб, ул ҳазратнинг хизматига астойдил бел боғлаганликларини изҳор этдилар. Шаҳзода ўткинчи дунё салтанатига рағбати йўқдиган, одоб доирасидан чиқмаган ҳолда рад жавобини берди. Шунда улуғлар илтимос ва илтижо қилдиларки: "Агарчи фоний дунёда инсон савоб ишлар қилмаса, боқий дунё саодатига эришмайди. Подшоҳ адолат билан ҳукмронлик қилса, икки жаҳон мамлакатини унинг тахти фармонида киргусидир. Ҳадисда айтилганидек, "Бир соатлик адолат бир йиллик ибодатдан афзал". Энди Тангри таоланинг ризоси ва мажлис аҳлининг тақозосини риоя қилиб, нафақат бир мамлакат халқи, балки ба-

шарият аҳли кўнглини шод этиб, хонлик тахтига ўтирсангиз, чунки халқнинг осойишталиги ва давлатнинг равнақ топиши сизга боғлиқ", дедилар. Кўпчиликнинг юзидан ўта олмай ул олий зот, яъни, Оллоқулихон ёши ўттизга етганда ҳижрийнинг 1240 товуқ йилининг бошида, Рамазон ойининг ўн тўққизда соат кечки бешдан ўтиб олтига яқинлашганда (милодий 1825 йилнинг 25 апрел кунига тўғри келади. - О.М.) тахтга ўтирди".

Асардан маълум бўладики, Хива хонлигида тахт ворислари тайин бўлса-да, давлат арбоблари кенг жамоатчилик (барча тоифа вакил-

### Омонуллоҳ Мутал

## ОЛЛОҚУЛИХОННИНГ

лари) фикрини инобатга олиб, давлат, миллат ва дин тақдирини ўйлаган ҳолда, кимни шу ўринга лойиқ кўрса, ҳозирги тил билан айтганда, демократик йўл билан ўша кишини тахтга ўтказишга ҳаракат қилишган.

Мазкур асар Оллоқулихоннинг тахтга ўтириш тантаналарини қуйидагича таърифлайди:

"Унинг хонлик даври бошланганини улкан ноғоралар чалиб билдирдилар. Замоначининг санъаткорлари куйга солиб қўшиқ қилдилар. Бутун мамлакат аҳли, энг олий давлат арбобларидан тортиб, энг чекадаги оддий фуқароларгача воқиф бўлдилар. Ул ҳазрат (Оллоқулихон) салтанат узугини бармоғига тақди ва мамлакат бошқарувини ихтиёрига олди. Замоначининг фузалолари ва даврон сурган шоирлари, жумладан Мунис Хоразмий ҳам мазкур воқеага бағишлаб ажойиб қасидалар ва етук назмий тарихлар битдилар".

Демак, шаҳзода Оллоқулихоннинг тахтга ўтириши халқ томонидан қизгин кутиб олинган ва бунга сабаб отаси ҳаётлик давридаёқ давлат ва жамоат ишларида фаол иштирок этиб халқ орасида катта обрў орттира олгани эди.

Оллоқулихон Чингизхон авлодидан Абулғозийхон М. (сохта хон)

салтанати даврида буваси Авазбий иноқ хонадонидан ҳ. 1209 (1794-95 м.) йилда туғилган.

Огаҳий шоҳидлик беришича, Оллоқулихоннинг болалик даврида ялпи Турон замида, хусусан Хоразм мамлакатига Чингиз авлодлари ҳукмронлик қилишарди. Ул ҳазратнинг туғилиши қўнғиротлар сулоласига улкан бахт ато этади ва улар йилдан-йилга путури кетиб, тобора сўниб бораётган чингизийлар қўлидан ҳукмронликни тортиб олиб, ўзларининг мустақил сиёсатларини юргиздилар. Хоразм диёри уларнинг ҳукмронлиги даврида кундан-кунга яшнаб боради.

"Риёз уд-давла" асарининг даволатига кўра, Оллоқулихон ёшлигидаёқ "Илму фазл" иқтибобига (чўққи) камо (худди) байнини (ора) сайъ ва шитбо (ошиқиш, тезлатиш) кўргузуб, оз фурсатда умум ақли ва нақшига маҳорати тамом ҳосил қилди. Хусусан таворихвонлиғ ва шеършунослиғ ва латифагўйлик уқувининг ҳайлида диққат тирноғин андоғ ишлатур эрдиким, фузалойи замонга ҳайрат бармоғин тишлатур эрди". Яъни, Оллоқулихон илму фазл чўққисига эришиб, оз фурсатда илм соҳасида камолатга етишади, айниқса, тарихшунослик, шоирлик ва лутф ила сўзлашни ўзлаштиришда унга тенг келадигани бўлмай, замонасининг олим фузалоларини ҳайратда қолдиради.

Таворихвонлиғ хусусида. Бухоро, Қўқон ва Хива хонликлари муаррихлари орасида хиваликлар илғор эдилар. Хоразм хони, тарихчи Абулғози ибн Арабхон (1643-63-йиллар хон бўлган) бутун дунё тарих илмида из қолдирган "Шажараи турк" ва "Шажараи тарокима" номли асарларини ёзиб (XVII асрнинг ўзидаёқ бир неча гарбий Оврўпа тилларига таржима қилинган), Хоразм (Хива) тарихчилик мактаби тамал тошини қўйган эди.



Тақдирнинг тақозоси билан ушбу мактабни бошқариш Амир Авазбий ўғли Шермухаммад Муниسدек (1778–1829) буюк адиб, тарихчи ва таржимон зиммасига тушди ва Оллоқулихон албатта унинг энг қобилиятли ва зукко шоғирдларидан бири бўлиб қолди. Айни чоқда, Оллоқулихон ўзидан олдин ўтган хонлар (Элтузар ва Муҳаммад Раҳим) каби Муниста Абулғозийдан сўнгги даврдан бошлаб Хива тарихини битишни топширади ва шу сабаб ила "Фирдавс ал-икбол" асари ёзилиб қолади (мазкур китобни Мунистинг ўлимидан кейин Огаҳий поёнига етказиб қўйган). Бундан ташқари, тарихга оид қатор китобларни, жумладан, Ҳумомиддин Мирхонд ибн Ховандшоҳнинг форс тилида ёзилган умумий тарихга оид машҳур "Равзат ас-сафо" асарини

устида илмий мунозаралар ўтказар, гоҳ тарих фанининг сирлари хусусида суҳбатлар ташкил этиб, барча фузалодан олдин идрок билан ҳал қилар эди. Ва мажлис аҳлини турли қимматбаҳо ҳадялар билан сийлаб, кўнгилларини беҳад шод этар эди.

Гоҳо йигитлик қони қайнаб, отда юришни яхши кўрганидан, давлат мулозимларини шахсан бошқариб, уларнинг кўнгилларини шод этиб, турлик эҳсонлару зотдор отлар ҳада этиб, кўнгил ихтиёрини очиш ва бадан тарбия қилиш мақсадида сайру томоша қилиб, мамлакатнинг етти вилоятидаги дашту тўқайларга бориб лочин учириб ов қиларди. Шу вақтда аҳолининг зулмдан шикоят қилган додини эшитиб, жойида адолат ўрнатиб, уларни тўла мурод-мақсадларига етказарди.

Маснавий:

Ниебат саририда айлаб  
мақом,  
Берур эрди олам ишига  
низом.  
Гоҳи адли эҳсон русумин  
тузиб,  
Гоҳи шафқат ва марҳамат  
кўргузуб.  
Жаҳон аҳлини хуррам айлар  
эди,  
Замон эрларин беғам айлар  
эди.  
Халойиқ доғи ажру ихлос ила,  
Дуо айлаб руияе осос ила.  
Дер эрдилар: "Эй қиблаи  
аҳли дин,  
Фароғу фараҳбахш руйи  
замин.  
Бўлиб доимо ёру давлат санго,  
Мададкор ўлиб фатҳу нусрат  
санго.  
Жаҳон борича комрон  
бўлғайсен,  
Жаҳонгиру кишваристон  
бўлғайсен".

Яъни: Девонда халқнинг арзи ҳолини тинглаб ўтирганида, бутун ақл-ҳушини жамлаб, гўё охират кунидек адолат ўрнатишга ҳаракат қилар эди. Зоҳиран чиройли сиёсат олиб бориб, ботинан адолат кўзи билан подшолик интизомига риоя қилиб, фуқаролар бошига адолат соясин солиб, халқнинг осойишталигин мустаҳкамлаб, мамлакат тинчлигини сақлар эди.

Демак, шахзода Оллоқулихон ўта зукко, замонасининг барча фанларидан бохабар, хушсурат, жисмонан бақувват, серҳаракат, тиниб-тинчимас, Ватан сарҳадларини бир неча марта айланиб чиққан, қуш овини севувчи, олим фузалоларнинг суҳбатига ўч, ижодкор, саховатпеша, давлат ишларида фаол ва, ниҳоят, адолатли шахс бўлганки, биз бугунги авлод кишилари ота-боболаримиз тарихини ўзимизга тескари ўргатиб келган кечаги тарих "илми" таъсирларидан қанча тез қутулиб, ўтмишимизга тўғри ва холис баҳо бера бошласак, миллатимиз маънавияти тарбиясига шунча яхши бўлади.

## ТАХТГА ЎТИРИШИ

1818–19-йиллар ўзбек тилига ўгирган. Бу йиллар шахзода Оллоқулининг талабалик йилларига тўғри келиб, ушбу хайрли ишда ҳам моддий, ҳам маънавий томонидан унинг ҳиссаси (ҳамкорлиги) катта бўлган.

*Шеършунослиғ хусусида.* Огаҳийдек забардаст адиб Оллоқулихонни "шеършунос" деб аташи унинг учун улкан баҳо ҳисобланади. XIX асрнинг бошида шеършунос бўлиш учун, албатта араб (аруз қоидалари), форс ва туркий тилларни мукамал билиш лозим бўлган. Демак, Оллоқулихон нозиктаъб, бир неча тилларни ўзлаштирган ижодкор бўлган. У назм ва насрда қалам тебратган бўлиб, буни келажақда тадқиқотчи олимлар тасдиқласалар, ажаб эмас.

Асарда баён қилинишича, Оллоқулихон саховат эгаси бўлганидан, сахийлик билан катта дастурхонлар ёзиб, буюк олимлару машҳур шоирлар, ўта ақлли, нозик дидулуғ мартабали инсонларни чорлаб, гоҳ ечимни қийин масалалар

Гоҳо отаси Раҳимхоннинг кўрсатмасига биноан, ён атрофдаги ёмонликни касб этган давлат ва миллат душманларини тартибга келтириб қўйиш учун қўшинни бошқариб борар эди. Ҳукуматни бошқаришни ўзлаштиришда катта муваффақиятларга эришар эди.

"Чун адолат девонида мутамаккин бўлиб, додхоҳ сўрар чоғида сўроғ кунининг байт ва тушим замири мунирида майда фуқаро ҳужумин назари ибрат била мушоҳида қилур ҳолда маҳшар издиҳомининг шару шўрини диқати жаҳон бини айёмида жилваномо бўлур эрди. Зоҳирин (ташқарисини) сиёсат зевари била ораста ва ботинин адолат гавҳари била пархаста қилиб, малик (подшолик) интизомининг илтизомига (риоятига) қиём кўргузиб, фуқаро ва бурйё бошларига муоъдилат (адолат) ва марҳамат зилли залимин (соясин) мамдуд (узайтириб) ва масбут (мустаҳкам қилиш) қилиб, халойиқга осойиши тамом ва мамоликга оройиши низом етказур эрди.

# ҲОЗИРЛИК КЎРДИНГИЗМИ?

يَوْمَ تَشْهَدُ عَلَيْهِمْ أَلْسِنَتُهُمْ وَأَيْدِيهِمْ وَأَرْجُلُهُمْ بِمَا كَانُوا يَعْمَلُونَ

У кунда (қиёматда) қилиб ўтган амаллари сабабли уларнинг тиллари ҳам, қўл ва оёқлари ҳам ўзларининг зиёнларига гувоҳлик берур.

Нур сураси, 24-оят.

Муҳтарам мўминлар!

Аллоҳ азимушшаънининг сўнги элчиси, охирзамон пайғамбари Расулulloҳ (с.а.в.) бу дунё умрини бир кунга қиёслаб, ўзлари бу куннинг аср вақтида дунёга келганларини билдирганлар.

Демак, айтиш мумкинки, дунё умрининг тўртдан уч қисми ўтиб, фақатгина бир қисми қолгандир. Бас, шундай экан, қиёмат қойим бўлишига жуда оз муддат бор. Қуръони Каримнинг ифодаси билан айтганда: "Қиёмат яқинлашгандир". Қуёш бошқа чиқмас бўлиб ботишга йўналгандир. Ой қораймоққа, юлдузлар эриган маъдан каби тўкилмоққа, тоғлар жун сингари тўзилмоққа, дарахлар япроқларини тўкмоққа шайланган. Имтиҳон соати тугаб, Исрофил (а.с.) суруни чалмоққа ҳозирланган. Ҳисоб куни, буюк бир ҳисоб куни яқинлашмоқда.

Шу ҳақиқатга ишоратан Аллоҳнинг (ж.ж.) ҳабиби (с.а.в.) бир ҳадиси шарифда марҳамат қилганлар: "Инсон қандай хурсанд бўлсинки, сур соҳиби (Исрофил а.с.) суруни оғзига қўйган ҳолда қачон чалишга доир фармон келишини кутмоқда. У фармон келиши билан суруни чалиб юборади" (Термизий, "Риёзус солиҳийн", 1-жилд).

Бинобарин, ҳар бир мусулмон яқинлашиб келаётган у буюк ҳисоб кунига

тайёр бўлиши, ҳокимлар ҳокими Аллоҳу азимушшаън ҳузурига чиқмоққа шай туриши, дунё ҳаётидаги амалларининг ҳисобини беришга ҳозирланмоғи лозим. Яъни, қиёмат куни бўладиган савол-жавобга ҳозирлик кўрдингизми?

Пул ва поранинг нафи тегмайдиган, таниш-билиш, дунёвий мақом ва рутбалар иш бермайдиган у кунда, буюк Ҳоким ҳузурда ҳисоб беришга тайёрмисиз?

وَمَا

خَلَقْتُ الْجِنَّ وَالْإِنْسَ إِلَّا لِيَعْبُدُونِ

"Инсонлар ва жинларни фақат Менга ибодат қилсинлар, (қулик қилсинлар) дея яратдим" (Зорийот сураси, 56-оят).

Қулик вазифангизни бажаряпсизми? Беш вақт намазингизни ўқияпсизми? Ёки жумадан жумагача, байрамдан байрамгача ўқийсизми?

Рўзангизни тутяпсизми? Ё Рамазон ойи келди дегунча ошқозонингизда оғриқ бошланадиган бўлиб қолганми?

Закотингизни беряпсизми? Ёки фақирнинг ҳаққидан уриб, жаҳаннамга ўтин йиғмоқдамисиз?

Ҳаж ибодатингизни адо қиляпсизми? Ёки имконингиз бўлатуриб орқага суриб келяпсизми?

Бу саволларга жавоб бе-

ришга тайёрмисиз, биродар?!

Буюк Раббимиз Қуръони Каримнинг беш юзга яқин ояти каримасида инсонларни тафаккур қилишга, ўйлашга даъват қилган. Бир ояти жалилада эса, шундай марҳамат этади:

أَوَلَمْ نُعَمِّرْكُمْ مَّا تَدَّكُرْ فِيهِ مَنْ تَدَّكُرْ

"Биз сизларга эслатма оладиган киши эслатма олгудек (узун) умр бермаганмидик?" (Фотир, 37).

Шундай экан, дўппини ёнга олиб қўйиб, ўйга толдингизми? Умрингизни қандай ўтказаётганингиз ҳақида фикрлаб кўряпсизми? Эртага сиздан: "Ҳаёти дунёни қандай яшадинг?" деб сўралганида, нима жавоб қиласиз?

"Эй Раббим, бир оз ишладим, бир оз ухладим, бир оз ўйнаб томоша қилдим. Яна едим, ичдим, юрдим, ҳафтадан ҳафтага жума намазига бордим..." Жавобингиз шунақа бўладими? Шу жавоб ўзингизга ёқадими?..

Набийлар набийи, икки жаҳон қуёши Расулulloҳ (с.а.в.) бир ҳадиси шарифларида шундай марҳамат этадилар:

"Ақлли киши ўзини ҳисобга тортган ва ўлимдан кейинги ҳаёти учун ҳаракат қилиб, тадорик кўрган кишидир. Ожиз киши эса, нафсини ҳаво ва ҳавасларга тобеъ этган кимсадир" (Термизий ривояти).

Бу ўлчовга биноан, эй биродарим, биз ақллимизми ёки ожизмизми? Нафсимизнинг орзу-ҳавасига бўйин эгиб, Қуръони Каримда "шайтон иши", "нажосат" (Моид, 90) деб таърифлан-



ган ичкилик ичиш, қимор ўйнаш билан вақтимизни ҳавога совурмаяпмизми?

У ҳолда шароб билан тўлдирган вужудимизнинг, қимор билан ўтказган вақтимизнинг ва ҳавога совурган пулимизнинг ҳисобини беришга тайёрмизми?

Бир мўмин биродарингиз иқтисодий аҳволини ўнглаб олиш ниятида тижоратига сиздан озгина сармоя сўраб келса, сўраганини қарзи ҳасана тариқасида беряпсизми ёки унинг ночор ҳолидан фойдаланиб қолиш илнжида фоизга қарз беряпсизми? Ҳолбуки, Қуръони Карим фоизхўрликни:

فَأَذِنُوا لِحَرَبٍ مِّنَ اللَّهِ وَرَسُولِهِ

"Аллоҳ ва расулига қарши жанг" (Бақара, 279) сифатида таърифлаган ва фоизхўрлар:

لَا يَقُومُونَ إِلَّا كَمَا يَقُومُ الَّذِي يَتَخَبَّطُهُ الشَّيْطَانُ مِنَ الْمَسِّ

"... (қиёмат кунида қабрларидан) жин чалган девоналар каби турадилар" (Бақара, 275), деб хабар қилгандир.

Бугун биз шу ҳолатимизнинг ҳисобини беришга тайёрмизми?

Яна Аллоҳ таоло Қуръони Каримда:

"Эй имон келтирганлар, ўзингизни ва аҳлингизни ёқилғиси инсонлар ва тошлардан бўлган оташдан сақланг" (Таҳрим, 6), дея қаттиқ огоҳлантирган.

Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳадиси шарифларида:

"Ҳаммангиз чўпонсиз ва ўз сурувингиздан масъулдирсиз" (Имоми Бухорий ва Имом Муслим. "Риёзус-солиҳийн", 2-жилд), дея марҳамат қилганлар.

Энди айтинг-чи, бирода-

рим, ўтини инсонлар ва тошлардан бўлган жаҳаннам оташидан ўзингизни ва фарзандларингизни сақлаяпсизми? Шу онда кўчаларда сангиб юрган навқиронлар сизнинг фарзандларингиз эмасми? Сизнинг ўғлингиз ё қизингиз нега ҳамма нарса ни билади-ю, ўз динини билмайди? Аллоҳ таолонинг қатъий амри бўлатуриб, аҳли аёлингизни ва мукаллаф ёшга етган қизингизни нега ҳали ҳам эҳтиётини қилмаяпсиз? Ёки улардан сиз масъул эмасмисиз?

Ҳолбуки, умр ўтмоқда. Ўлим фариштаси шошиб келмоқда — кутиб олишга шай бўлинг. Қабр оғзини очиб турибди — киришга тайёр тулинг. Осмон ёрилмоққа, ер силкинишга, тоғлар юрмоққа, денгизлар тошмоққа ҳозир, сиз ҳам ҳисоб беришга ҳозир бўлинг.

У буюк қиёмат кунида, у буюк ҳисоб кунида Қуръони Карим ифодаси ила, ўз тилларингиз, қўлларингиз, оёқларингиз қилган ишларингизга шоҳидлик қилгусидир (Нур, 24). Бу гувоҳларни рад этишга қудратингиз етмаслигини билишга тайёр бўлинг. Жаҳаннам қизиб турибди — узоқлашишга; жаннат мўминларга бағрини очиб турибди — яқинлашишга тайёр бўлинг.

Қуръони Карим бир қанча ояти жалиласи ила:

"Ҳали ҳам ақлингизни ишлатмайсизми?" (Анбиё, 10, 67; Қасос, 60);

"Ҳали ҳам тингламайсизми?" (Қасос, 71);

"Ҳали ҳам яхшилаб ўйлаб кўрмайсизми?" (Наҳл, 17) дея бизларга хитоб этмоқда.

Хуллас, эй биродарим, ақлимизни ишлатишга, тинглашга, ўйлаб кўришга ва "амал дафтарлари (миз) очилган пайтда" (Таквир, 10) ҳисоб беришга тайёр бўлайлик!

## Аёлларга ҳам тегишлими?

**Савол.** Расулуллоҳ (с.а.в.) эркакларни маъқус (яъни, сочни тепага йиққан) ҳолда намоз ўқишдан қайтарганлар. Бу қайтариқ аёлларга ҳам тегишлими? Яъни, аёллар намозда ва намоздан ташқарида сочини турмаклар юришлари мумкинми?

**Манинона Гулчеҳра,**  
Тошкент.

## Жавоб

Жаноби Расулуллоҳдан (с.а.в.) бир ҳадис борки, унда эр киши ʔақсдан — сочини тепага йиғиштириб намоз ўқишдан қайтарилгандир.

"Ал-ʔақс" лугатда сочини мулойим қилиб, атрофини бошнинг тепасига йиғиштириб-тўплашга айтилади.

Биринчидан, мазкур ҳадис эркакларни намозда сочларини тўплаб ўқишдан қайтарган. Демак, хотинлар бундан мустаснодирлар.

Иккинчидан, бу наҳий намоз ўқувчи эр кишига нисбатан айтилган. Демак, намоздан ташқарида йиғиштириб юриши мумкин.

Учинчидан, фуқаҳолар бу наҳийни макруҳи танзих, яъни, мубоҳга яқинроқ наҳий дейишган экан.

Аллоҳ билгучирокдир.

Жавобни "ат-Термизий" жомеъ масжидининг имоми **Салоҳиддин МУҲИДДИН** тайёрлади.

Профессор Тохир Чигатой (Тохир Шокир) ҳақида "Маърифат" рўзномасида (Шерали Турдиевнинг икки мақола-сида) келтирилган маълумотларга кўра, Тохир Шокир 1902 йили Тошкентда туғилган. Отаси Шокир Розикбой Хожигўли, онаси Ҳамрохоним (ваф. 1927, Тошкент) бўлишган. Тохир Шокир 1921 йилда Германияга ўқишга бориб, Хайделберг университетига кирган. 1921 йили Берлин университетига ўқиган. 1921-39 йилларда Берлинда "Туркистон Миллий Истиқлоли" ҳаракатининг "Ёш Туркистон" ойнамасида фаол қатнашган. Саодатхоним исми кизга уйланган. 1939 йилда оиласи билан Анқарага

## Дилда дард, руҳиятда ғурур ила

келган. 1948 йилдан Анқара университетиде муаллимлик қилган. 1953 йилдан дотсент, 1962 йилдан профессор лавозимларида ишлаган. 1972 йилдан ижтимоий фанлар бўлимини бошқарган. 1984 йил 27 июнда вафот этган. Қабри Анқарада.

Профессор Тохир Чигатой қаламига турк, ўзбек, немис ва инглиз тилларида ёзилган бир қатор мақола ва китоблар мансуб. Шулардан, 1936 йили Берлинда нашр қилинган "Туркистон миллий маф-

кураси ва Алишер Навоий" номли тадқиқотининг матнини бундан бир неча йил муқаддам Ленинграддан туркийшунос олим Э. Умаров келтирган, лекин мен муаллиф ҳақида етарли ва ишончли маълумотлар танқислиги боис уни нашр этишга шошилмаган эдим.

Рисоланинг аввалги қисмида миллий давлатчилик ҳаракати тарихининг негизлари, миллий мафкурага турли даврларда тазйиқини ўтказган "ётлик" таъ-

Тохир ШОКИР

## ТУРКИСТОН МИЛЛИЙ МАФКУРАСИ ВА АЛИШЕР НАВОИЙ

Миллий курашда ва курашимизнинг тарихи негизини миллий адабиётимизда қидираркан, тўғруча Аҳмад Яссавий ва унинг қурдиғи миллий тасаввуф мактабига ёнашмамиз (бу ҳақда "Ёш Туркистон"нинг 93,95 ва 98-чи сонлари мурожаат этилсин) маъносиз бўлмагани каби, бу қайдирмада Алишер Навоийки, айрича бир ер айирмамиз-да асоссиз эмасдир. Миллий ҳарсимиз (маданиятимиз — С. Ф.)<sup>1</sup>, бошқачароқ бир шаклда бўлса-да, бу кунгисидан кўпда энгил бўлмаган бир таҳлика қаршисинда турган бир чоғда миллий кураш байроғини кўтариб ўртага чиққан, миллий тил ва турмушимизни таҳликадан қуртарган мутафаккир буюк турк шайхи Аҳмад Яссавий бўлса, унга тўлуқ фўримни (формани) бериб муваффақият тожини кийдириб кетган-да Алишер Навоий эди.

Алишер Навоийнинг миллий турмушда тарихимиздаги ўрнини бир даражага ойдин кўра билмамиз учун миллий мафкурамиз, турмушимиз, адабиётимизнинг унга қадар кечирганларини қисқаргани бўлса-да эслаб ўтишимиз керак.

Туркистонда турклар исломиятдан илгари-да улукча узун чеккан порлоқ бир маданий турмуш яшамашлардир. У давр турмуши бошданбоша миллий руҳ ва миллий рангда ўлмушдир. Т. Южив исми бир олим 1903 йилда Мажор Академисинда ўқуғон бир маърузасинда "Туркларда ёзининг истеъмоли ва адабиётнинг мухталиф адабиётга ойрилиб ишланмаси нисбатан яқинларда инкишоф этмиш бир шай дегил (бир

нараса эмас), балки энг эски замонларга қадар иржо (қайтиши) эдила билажак бир маншайа ҳойиз (эга) ўлдиғи кофий даражада маълум бир кайфиятдир. Ишга (худди) бу энг эски асарларга галинжа тамомила эътимода (ишончга) шоён тарихий манбаълара мустанидан (таяниб) билийурўзки, буюк бир қавмий ва лисоний замзаманинг муфрад шўъбаси (бир бўлағи) ўлан уйғур қавмики, Укчадан Тёншаннинг шимоли ва шимол-шарқи жиҳатларида, сўнградан жануб тарафларинда искон этмиш (яшамаш)дир, даҳа миллодий Исодан 2 аср аввал ёзийи (ёзувни) билур ва қўлланийурди. Милоддан сўнгра бешинчи асрада эса зангин, порлоқ бир адабиётга молик бўлинийурди. Даҳа бу эски замонларда бунларнинг манзума ва шеърлари мавжуд ўлдиғи каби, хонларнинг саройларида ҳар йил вуқуётини ва хоннинг ижроотини забт ва қайда маъмур воқеанавислар бўлундиғи ҳақинда мавассуқ (ишончли) маълумотлар вордир", дейди.

Айни текширувчи Ёнғ-те исми бир чинли сайёҳнинг то ўнунчи асрада уйғур элинда онча бой умумий китобхоналар кўрганни нақл этадир.

Маҳмуд Қошғарийнинг "Девону луғатит-турк"-инда ва бошқа ерларда учратилатурғон айрим намуналар исломиятдан аввалги давр адабиётимизнинг кўп дафъалар иддио этилдиги каби шафоҳий (оғзаки) халқ адабиётдангина иборат бўлмаганлиғини очик кўрсатмақдасдир. Миллий тарихимизнинг у даври сўнғ асарлардан бири саналуви лозим келган "Қутадғу билик" ўзи бу жиҳатни ҳеч бир турлу шубҳага йўл қолдирмаслик бир шаклда қатъият-ла исбот этмақдасдир. Бир адабий асар бўлмоқдан зиёда ижтимоий фалсафа, давлат назарияси адабиёти қаторина қўйилуви лозим келган бу асар на техникий тузулуши ва на-да фикрий қурулуши эътибори-ла бир адабиётнинг бошланғич даврони асари бўлмаганлиғини очик кўрсатмақдасдир. У ҳар жиҳатдан узун даврлар яшамаш ва тақомил сафҳалари кечирмиш бир фикри адабий турмушнинггина ярата билажағи бир асардир.

Миллий адабий турмушимиз-да бу даврнинг билвосита давоминдан иборат бўлуб, бир "янглишлиқ ўлароқ сўнградан Чигатой адабиёти" оти берилган даврнинг бошланиши ва олдиғи фикри истиқоматда бундай бир узун фикри ҳаёт дав-

<sup>1</sup> Бундан кейинги қавсларда берилган изоҳлар барчаси Суйима Фаниевага оиддир (Тахр.).



сир (араб, форс, рус) ва бунга қарши ошқора ва зимдан олиб борилган курашлар қаламга олинади. Миллий давлат учун Темур, турклик руҳи билан йўғрилган миллий мафкура учун Аҳмад Яссавий, миллий тил, миллий адабиёт ва мафкура учун курашда Алишер Навоий ва бошқаларнинг хизматлари кўрсатиб берилди.

Муаллиф гоят қуюнчақлик билан Алишер Навоий фаолияти, ижодиёти хусусида ёзар экан, тадқиқотнинг марказий масаласи - миллатпарварлик, миллий рух, миллий завқ уфуриб турган нуқталарга фикр беради.

Тоҳир Шокир "Туркистон турк хал-

қини Навоий ва унинг ҳақиқат мафкурасидан узоқлаштиришга" уринган ётлар сиёсатини кескин танқид қилади.

Мақоладаги муаллиф қарашлари, далиллари, изоҳлари ва нидолари ўрнган бир жоннинг азоби, дардли юракнинг изтироблари, беором руҳиятнинг армонларидир.

Айтиш керакки, тадқиқот ёниқ юрак билан куйиниб ёзилган. Муаллифнинг ҳис-ҳаяжонлари, фахр-ғурур туйғулари илмий мушоҳада ва теран хулосаларга омухта холда қозоғга туширилган. Унинг тилидаги "миллий ҳарс" - миллий маданиятни, "миллатчи" - миллатпарвар, миллатсевар тушунчаларини ифода этади.

"Ҳидоят"нинг мухтарам ўқувчиларга бир парчаси тақдим этилаётган бу рисола хорижда яшаган ва бир сония ҳам Ватанини ёддан чиқармаган, унинг истиқлолини, истиқболлини дил-дилидан орзу қилган, она заминига муҳаббати ва армонларини ўзи билан олиб кетган Тоҳир Шокирнинг мамлакатимизда нашр этилаётган биринчи асаридир.

Суййма ҒАНИЕВА,

Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг катта илмий ходими, филология фанлари номзоди.



расининг кечмиш бўлинмасини ижоб (таъқидлаш) эттирмақдadir.

Миллий тарихимизнинг исломиятдан аввалги даврларини бир кўз солсоқ, миллий ижтимоий қурулишимизнинг истар тошкilotида, истар ижтимоий ва фарқий ҳаётда, истар-да иқтисодиёт ва урф-одотда том маъносинда ўз бўлгонлигини ва тўғри миллий йўлдан юруганлигини кўрамиз. У замон ёлғуз турмушнинг ташқи жиҳатларигина эмас, мавзўёт, тафаккур тарзинда бу миллийлик излари даҳа кескин эди. Бу хусусият кенг халқ қатламиндан олмиш хонадон саройларини борғунча бутун халқ қатламларини текис ўраб олгон эди.

"Эй турк миллати! Агар Чина кетарсак — ўлажасак. У тўқай ўрмонинда қамирсак, у ерда на бойлик, на эҳтишом ва на турлу-турлу қойғилар бордур. Мангу бир ҳукуматни у ерда муҳофаза эта билажасак", деб турк халқина мурожаат этиб, уни миллий тупроғина боғламоқчи бўлгон Қултекин обидалари ёзилариндан олмиш "Қутадағу билик" қа қадар бутун сарой осори у замонги турк саройларинда том маъноси-ла миллий руҳ ҳукм сурмақда бўлгонини очиқ кўрсатмақдadir.

Маҳмуд Қошғарий шарқ Туркистон саройи ва адабиётинда ҳоким бу миллий ранг ва руҳнинг сўнгда узунгина бир мuddат ҳеч таъсирга йўл бермай ўз йўлинда давом этдигини очиқ кўрсатмақдadir. Ҳатто бу даврда турк култури (маданияти), туркнинг тушуниш тарзи, турк тили ва адабиётги атроф-муҳитдаги ёт насл халқларга да кўпгина таъсир этмақдadir.

1069 йили Қошғарда ҳозирланиб, ҳукмдор Буғрохонга тақдим этилган "Қутадағу билик" турк ижтимоий турмушини таҳлил этмақда турк давлат ва давлатчилиги умда (асосий қоидалар)ларинда таянажаклари, умдаларни очиқ кўрсатиб беришга урунадир. Ижтимоий қурулуш, халқ қатламлари каби ижтимоий масалаларни таҳлил этишга урун-

гон муаллиф жамоат ва давлат турмушинда керакли ижтимоий ахлоқ умдаларини кўрсатиб ўтушни-да унутмайдир. "Қутадағу билик"нинг муҳим васфлариндан бири ўзининг чин маъносинда турк руҳиндан туғма турк тафаккури асари бўлгонлиғидир. У турк руҳиндан туғма турк ижтимоий, сиёсий, идорий кўрушини тамсил этмақдadir. У замонда миллий турмушимизга нуфуз этиб келаётқон ётлик таъсири изини-да кўруб, унга қарши вазият олурни-да унутмади.

Бизча "Қутадағу билик"нинг буюк васфи ва қиймати ўзининг истар тили, истар-да фикрий қурулуши эътибори-ла бир адабиётнинг бошланғич даври асари бўлмағонлигини, терсинча, асрларча яшаб турлу такомил даврларини кечириб келаётқон мункашиф бир илмий турмуш ва ишланмиш бой бир адабиёт асарини тамсил эта билажак бир моҳиятда бўлгонлигини очиқ кўрсатиб турадир.

"Қутадағу билик" ва унинг муаллифи Юсуф Хос Ҳожибнинг миллий тарихимиздаги мавқеида табиий "Қутадағу билик"дан тарқалиб, атрофни ёритмоқда бўлгон миллий руҳ ишиғи (нури)нинг аҳамияти ила мутаносиб ўлажақдир. Миллий руҳ ва тафаккурнинг тимсоли демак бўлгон бу асар у замон Қошғарда ҳукмдорлик қилаётқон Буғрохонга тақдим этилган эди. Бу муҳим асарнинг қийматини кўра билган ва уни кўра билажак қадар миллий руҳа эга бўлгон хонда дарҳол муаллифни ўзига вазири хос этиб олди. Бу ҳодиса у замон Туркистон турк саройларидаги миллий руҳни кўрсатадир.

То эски замонлардан бери Туркистон турк саройлари миллий-маънавий турмушнинг маркази саналар эди. Миллий тафаккур, миллий санъатнинг инкишоф (ривожланиш) ва тараққийси энг кўп хидмат этувчи-да шу саройлар эди. Байрам, тўй, таъзия ва бошқа муносабатлар-ла саройларда буюк маросимлар ясалар, турли ҳунар аҳли, ул жумладан шоир ва санъаткорларга ўз бажариларини кўрсатув имкони берилар, бундай маросимлар учун ҳар замон кўпгина аввалдан ҳозирлиқлар қурилар эди. Бу ҳозирлиқ давраси маросим асосиндаги чиқимлар бутуниси санъат йўлидаги масориф демак эди. Саройларда билги ва санъат инкишофи учун доимий бир интилиш бор эди. Бу сурат-ла яратилган санъатда ҳар нарсадан аввал ҳам руҳий мафху-

мий ҳамда шакли эътибори-ла чин миллий эди. Дунёда амсолина (ўхшашига) оз учралажак бой адабиётимиз эса кенг Туркистон турк халқ қатламиндаги миллий руҳ ва миллий рангни кўрсатадир.

Ўрта ислом давринда Басра, Богда ва бошқа илм марказларина кетиб, ҳатто ўз юртимизда ўтуруб илмий, фалсафий буюк асарлар ёратқон Туркистон турк ва билим эрлари бу кун била араб уламози, араб мутафаккирлари дея ангаладурлар. Форс фикр адабиётини яратишқан буюк турк қобилиятлари эса, бу кун била ажам саналадирлар. Бу исломий маданият даврасиндаги илм ва фикр адабиёти осорий диққат-ла текширилса, унинг яратилишинда энг буюк ҳисса биз туркларга тушгани очик кўрунгани ҳолда бурунги дунё тарих адабиётинда биз туркларга кўпинча "бор-борлик" ("варварлик") ўрни айирилган. Ҳатто бизнинг халқ бир маданий осорни ёритиб юрган чоғларда инсон эти еяжак қадар ваҳшат ичинда бўлганлар-да бу кун бизга "маданий тарбия берувчилик" иддиосини олға сурувга қадар бордилар. Табиий, бу янглиш ва ҳақсиз ҳукмнинг гуноҳи энг аввал ўз юртимизга тушадир. Турмушда бўлғони каби тарихда-да ўз ҳаққини талаб этиб, у йўлда кураш юрутуб олмаган, уни мудофаа этмаган бир халқ, ҳаққи бўлса-да бошқа турлу ҳукми кута олмайди. Бу ҳукм ёлғиз ётлар тарафиндан берилибгина қолмади, ҳатто сўнг замонларғача қисман ўзимиз-да бундай ҳукмларга қўшилиб келдик.

Ислом маданияти порлоқ даврасининг фалсафий адабиёт зирвасини ташкил этган "Фаробий — Ибн Сино — Ибни Рушд" уч гўшасининг иккиси — Фаробий ва Ибни Сино холис — маҳлас Туркистонли турклар эди. У маданият давраси илм ва фикр адабиёт бутун тормоқларини қидирсақ, кўб соҳаларнинг бош шахсиятлари турклар — туркистондилар бўлганини кўрамиз. Ҳатто араб лисонияти учун "возеъ лисон" унвонини қозонажак қийматда лисониятчилар берган турклик форс тасаввуф адабиётининг энг гузида шахсиятларини бермишдир.

Бугун биз Расулуллоҳнинг (с.а.в.) биринчи завжалари, ул зотга дастлаб имон келтириб, у кишининг пайғамбарликларини эшитган заҳотиёқ тасдиқ этган, Ислом даъватининг илк куниданоқ Пайғамбарга (с.а.в.) ёрдам кўлини узатган ва "Мўминларнинг онаси" деган улуг номга сазовор бўлган биринчи мусулмон аёл ҳақида — Ҳазрати Ҳадича (р.а.) онамиз ҳақларида сўз юритамиз.

Бу аёл Расулуллоҳнинг (с.а.в.) зурриёдлари бўлмиш Қосим, Абдуллоҳ (Тоййиб ёки Тохир), Зайнаб, Руқайя, Умми Гулсум ва Фотималарнинг онаси, Хувайлиднинг қизидир.

Жоҳилия даврида "Умми Ҳинд" (Ҳинднинг онаси) куниясини олган ҳазрати Ҳадичага халқ ҳурмат би-

Курайдан Шомгача узайган бўлиб, моллари кун сайин ортиб борарди. Шу сабабдан у тижоратини бошқарадиган ва молларини назорат қиладиган ишончли бир кишини топиш ҳақида бош қотира бошлаган эди.

Қавми ичида ростгўйлиги ва омонатдорлиги учун "Амин" номи-ни олган Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ҳақидаги илиқ гаплар унинг ҳам кулоғига етгач, одам юбориб, иш таклиф этишга қарор қилди. Ниҳоят кули Майсарани Абу Толибнинг муборак хонадонига жўнатди ва Муҳаммад ал-Амин розилик билдирса, унга бошқалардан кўра бир неча баробар кўп ҳақ тўлашлигини билдирди.

Абу Толиб таклифни эшитгач, жиянига юзланди:

**Аҳмад Абдулжавод ад-ДУМИЙ**

## **ИЛК МУСЛИМА**

лан "тоҳира" (поқдомон) ва "сайидатул Курайш" дея мурожаат қиларди. Ҳазрати Ҳадича (р.а.) тақрибан виҳратдан 68 йил, машҳур фил ҳоқасидан 15 йил аввал хайрли бир оилада дунёга келди.

Болалигидан юксак ахлоқли, ақлли ва одобли бўлиб вояга етгани учун ҳам қавми ичида "тоҳира" лақаби билан шуҳрат қозонди. Шарафли насаби ва ахлоқий камоли туфайли кўплар унга талабгор бўла бошлади. Тақдир тақозоси ила Абу Ҳолага турмушга чиқиб, ундан Ҳола ва Ҳинд исмли икки фарзанд кўрди. (Ҳинд узоқ умр кўрди. Расулуллоҳ (с.а.в.) пайғамбарлик билан шарафланган кунларда Ислом динига кирди. Имом Али (р.а.) замонларигача яшаб, Ислом йўлида жиҳод қилди. Жамал савашиди шахид бўлди.)

Бевақт келган ўлим Ҳазрати Ҳадичани (р.а.) Абу Ҳоладан айирди. Бир қанча муддат ўтиб, Маҳзум қабиласидан Отиқ ибн Оиз уни ўзига никоҳлаб олди. Бу сафар ҳам ажал орага раҳна солиб, Ҳазрати Ҳадича (р.а.) яна ёлғиз қолди.

Шундан сўнг Курайш зодагонлари тоҳира аёлнинг кўлини сўраб бирин-кетин одам кўя бошладилар. Лекин Ҳазрати Ҳадича болаларининг тарбияси ва бошлаб кўйилган тижорий ишларнинг идораси учун барча таклифларни рад этарди. Унинг тижорат қарвонлари

"Мана, сенинг қарвонинг Шомга кетишга тайёр турибди. Сен поқ қалбли, ишончли йигит бўлганиндан Ҳадича бу ишга сени танлабди. Яхудийлардан сенга бир ёмонлик келишидан кўрққанам учун Шомга юборишга кўнглим чопмай турибди, лекин, майли, боқарвер. Омадингни синаб кўр", деди.

Муҳаммад ал-Амин бу сўзларга жавобан:

"Эй амаки, сиз истагандек бўлсин", дея розилик билдирди.

Қарвон йўлга чиқди. Ҳазрати Ҳадичанинг кўрсатмаси билан бу сафарда Майсара Муҳаммад ал-Аминга ҳамроҳ бўлиб борди.

Орадан маълум бир вақт ўтгач, янги назоратчи йўлбошчилигидаги қарвон эсон-омон Маккага қайтиб келди. Майсара соҳибасининг хонадонига ўқдек учиб кириб, бу ҳақда севинчли хабар келтирди.

Ҳадича Муҳаммад ал-Аминни очик чехра билан кутиб олди. Биринчи сафарнинг муваффақиятли тамомлангани билан табриклади. Дарҳақиқат, қарвон кутилганидан кўра бир неча баробар кўп фойда билан қайтган эди. Шу сабабли хизмат ҳақи ҳам ортиги билан берилди. Янги нозир қалби қувончга тўлган ҳолда уйига қайтди.

Ҳадича кули Майсарага юзланиб, сафар ҳақидаги кузатувларини сўради. Майсара баракотли зот ҳақида тўлқинланиб сўзлай кетди.



Унинг эътиборини тортган биринчи ҳолат кун иссиғида туя устида кетаётган Муҳаммад ал-Аминнинг бошига бир парча булутнинг соя солиши; иккинчи ҳолат ул зотнинг савдо-сотикдаги тўғрисиқлиги, ҳалоллиги; учинчи ҳолат Муҳаммад ал-Амин бошқа тожирлар каби молини мақтаб қасам ичмаслиги, харидорни бир нарса олишга зўрламаслиги эди. Буларни эшитиб, Хадичанинг ҳазрати Муҳаммад ал-Аминга бўлган ишончи ва ҳурмати янада ошди.

Шу кундан эътиборан беканинг фикри тамоман Муҳаммад ал-Аминнинг хаёли билан банд бўлиб қолди: ажабо, ул зоти бобаракотга уйланиш таклиф этилса, никоҳига қабул этармикан?

Қалб сирини дугонаси Нафиса бинти Мунага очганида, сирдоши унинг жонига ора кирди. Бир зумда Муҳаммад ал-Аминнинг ҳузурига отланди. Борасолиб, у зотга масалани кундаланг қўйди:

“Эй Муҳаммад! Нега уйланмай юрибсан? Уйланишингга нима тўсқинлик қилмоқда?” деб сўради.

Амин унинг мақсадини дарров тушунди ва жавоб берди:

“Қўлимда уйланишга етарли молим йўқ”.

Нафиса кулимсираб: “Агар эҳтиёжинг қондирилиб, молк-мулк, гўзаллик ва шараф соҳиббаси бўлган бири сенга толиб чиқса, ижобат қилармидинг?” деди.

“Ким?” дея қизиқсинди Амин.

“Ҳувайлиднинг қизи Хадича”, деб жавоб қилди Нафиса.

“Агар у мувофақат этса, мен ҳам қабул қиламан”.

Шу тариқа аҳду паймон боғланиб, дунёга баракот ёғдирган оилага тамал тоши қўйилди.

Аллоҳ шарафли қилган бу хонадонда бирин-кетин хайрли фарзандлар дунёга келди: тўнғич ўғил Қосим, кейин Абдуллоҳ (лақаби Тоййиб ёки Тоҳир) туғилди. Аммо улар узоқ умр кўришмади. Аллоҳ уларни ўз раҳматига олди. Кейин Зайнаб, Руқайя, Умми Гулсум ва Фотималар дунёга келишди.

Қанчалик қийин бўлмасин рўзгорнинг бутун оғирликларини Хадича онамиз зиммасига олиб, вазифасини буюк бир ғайрат ва самимият билан адо этарди. Айниқса, завжи ҳазрати Муҳаммад инзивога чекилиб, ибодат ва тафаккур билан банд бўлган пайтларда ғайрати янада жўш уради, ҳужайнига бўлган ҳурмати янада ошар эди.

Кунларнинг бирида Муҳаммад ал-Амин шоганидан хансираганча, завжасининг ёнига келди ва титроқ босиб:

“Мени ўраб қўйинг, мени ўраб қўйинг”, деди.

Хадича севикли завжидан бу ҳолнинг сабабини сўраганида:

“Ё Хадича, ўзимдан кўрқдим”, дея бўлган воқеаларни сўзлаб берди. Хадича волидамиз:

“Йўқ, эй амакимнинг ўғли, Аллоҳ сизни ҳеч қачон разил ва расво этмас. Бу ҳолингиз хайрнинг нишонасидир. Сабр қилинг, эй соҳибим. Сиз яқинларингизга силаи раҳм қиласиз, мусофирларга илтифот кўрсатасиз. Тўғри сўзлайсиз ва муҳтожларга ёрдам берасиз. Комил ишонч билан айтаманки, сиз бу умматнинг пайғамбарлигига лойиқсиз”, дея завжининг кўнглини кўтарди.

Ёнига олиб амакиваччаси Варақа ибн Навфалнинг ҳузурига отланди. Варақа жоҳилия даврида насоро динига кирган эди. Муҳаммад ал-Аминдан воқеа тафсилотларини обдан суриштирган:

“Хайрли бўлсин, эй Муҳаммад, у сенга тушган нарса Ҳазрати Мусога келган Номусдир. Сен бу умматнинг ҳақ пайғамбарисан. Сени ёлғончига чиқаришадими, азоб беришадими, юртингдан қувишадими. Сенга қарши уруш эълон қилишадими. Агар мен ўша кунларга етсам, иншааллоҳ, Ҳақ динига ёрдам бераман”, деди ва куёвининг бошидан ўпди.

“Улар мени юртимдан ҳам қувишадими?” дея ажабландилар Расулulloҳ (с.а.в.).

“Ҳа. Сенга тушган даъво билан келган ҳар бир пайғамбар муқаррар душманликка дуч келган. Қанийди у кунда навқирон бир йигит бўлсаму ёнингда туриб жиҳод қилсам!” деди Варақа.

Эр-хотин уйларига қайтишди. Хадича волидамиз (р.а.) завжига имон келтириб, илк мусулмон аёл бўлиш саодатига эришди. Шу тариқа у Аллоҳ ва Расулига имон келтирган, буюк даъвони тасдиқ этган илк инсон бўлди. Аллоҳ (ж.ж.) бу билан пайғамбарининг юкини енгиллатган эди. Хадича (р.а.) бор кучи билан севикли завжини қўллаб-қувватлар, у Зоти Шарифнинг руҳларига қувват бағишлар эди.

Расулulloҳ (с.а.в.):

“Ё Хадича, оламларнинг рабби бўлган Аллоҳ (ж.ж.) Жаброил (а.с.) орқали сенга салом йўлламоқда”, дедилар. Хадича (р.а.) шундай жавоб берди:

“Аллоҳга салом бўлсин. Салом Ундандир ва Унгадир. Жаброилга ҳам саломлар бўлсин”.

Мана шу масъуд дақиқалардан эътиборан Расулulloҳ (с.а.в.) баракот ва машаққатлар билан тўла бир ҳаётга қадам қўйдилар. Ҳазрати Хадича (р.а.) эса, асло у кишининг ёнларидан айрилмади, у Зотни доим қўллаб-қувватлади, ёрдани аямади.

Набий (с.а.в.) ва бошқа мусулмонлар Исломининг илк даврида дуч келган даҳшатли воқеаларни Хадича волидамиз ҳам бошидан кечирди. Исломининг илк шаҳидини ўз кўзи билан кўрди. Бу шаҳид Ёсирнинг завжаси, Аммоннинг онаси Сумайя эди (Аллоҳ улардан рози бўлсин).

Ҳабашистонга қилинган ҳижрат, имони учун кўзидан ажралган мусулмон аёл Зуннира ходисаси, Ҳамза ибн Абдулмуттолиб ва Умар ибн Хаттобнинг Исломга кириш воқеалари ҳам унга қаттиқ таъсир кўрсатди. Айниқса, бутун қавм Абу Толибнинг ақраболарига қарши тadbир олиб, уларни кимсасиз даштда қамал қилганида вуқуга келган қийинчиликлар фидойи мужоҳиданинг ҳаётида бир умрлик ўчмас из қолдирди.

Ҳазрати Хадичага (р.а.) куч бағишлаган, унга тасалли берган нарса Расулulloҳдан (с.а.в.) олгани имон қуввати ва изма-из нозил бўлаётган Куръон оятлари эди.

Хадича волидамиз (р.а.) бир кун хасталаниб, тўшакка боғланиб қолди. Уч қизи – Зайнаб, Фотима ва Умми Гулсумлар бошига йиғилдилар. Руқайя бу пайтда Ҳабашистон ҳижратиди эди.

Ҳазрати Хадича (р.а.) сўнги бор севикли завжи Расули Акрамга (с.а.в.) нигоҳ ташлади. Шубҳасизки, бу нигоҳ ҳузун ва қадар тўла энг сўнги нигоҳ эди. Расулulloҳ (с.а.в.) завжаларига жаннатда юз кўришишлари ҳақида мужда бердилар.

Ҳазрати Хадича (р.а.) ҳижратдан тахминан уч йил аввал Ҳақнинг раҳматига етишди.

Ҳазрати Хадича ва Абу Толибнинг вафотлари бир йилга тўғри келгани учун ҳам Расулulloҳ (с.а.в.) бу санани “Ҳузун йили” деб атаган эдилар.

Хадича волидамиз (р.а.) 65 ёшда вафот этди ва Ҳажун қабристонига дафн этилди. Аллоҳ у кишидан рози бўлсин.

**Муҳаммад ЗАРИФ**  
таржимаси



### Нифос (Лоҳусалик)

Кўзи ёриганда, хотиннинг бачадонидан келадиغان қон нифос дейилади. Туркий тилларда буни лоҳусалик деб аташади. Лоҳусаликнинг энг кам муддати учун бир чегара йўқ; бир кун, бир соат қон келиши ёки аёл умуман қон кўрмаслиги мумкин. Бундай аёллар лоҳуса ҳисобланмайдилар, дарҳол ювиниб-чўмилиб, намоз ўқийдилар, рўзаларини тутадилар. Лоҳусаликнинг энг кўп муддати қирқ кун. Қон келиши қирқ кундан зиёд давом этса, қирқинчи кун охирида ювиниб-чўмилиб, вазифаларини, бурчларини адо этишга киришадилар. Қирқ кундан сўнг келган қон узр қонидир. Истиҳозадир. Нифос саналмайди ("Cevhere": 1/44). Ҳар вақт учун алоҳида таҳорат олиниб, намоз ўқилади.

Эгиз туққан хотин лоҳусалик муддатини биринчи чақалоқ туғилгандан ҳисоблайди ("Cevhere": 1/44).

Нифос муддати ичида кўрилган поклик нифос ҳукмидадир. Масалан, 10 кун қон келгач, беш кун тўхтаса ва тагин ўн кун келса, йигирма беш куннинг ҳаммаси нифос муддатига киради ("el-Ihtiyar": 27). Намозини тарк этади, рўзасини пок бўладиган кунларига қолдиради, эри билан жинсий муносабатда бўлмайди ("el-Mebsut": 2/141).

Нифос қонининг хусусияти туғишдан сўнг келишидир. Агар бир хотин кўзи ёригач, ҳеч қон келмаса, лоҳуса саналмайди. Бундай хотинга фусл шарт эмас, таҳорат кифоя. Рўзаси бузилмайди. Лекин Имоми Аъзамга кўра, бундай хотиннинг фусл қилиши аълодир (Ibni Abidin: 1/216).

### Лоҳусалик қони одатидан аввал тўхтаса

Лоҳуса аёл қони илгари маълум бўлган одатидан аввал тўхтаса, ювиниб-чўмилади, ўзи биладиган одати келгунга қадар намозини ўқийди, рўзасини тутади, фақат, эри билан жинсий муносабатда бўлмайди ("Fetava-i Ali Efendi": 1/3).

# ХОС ФИҚҲИЙ МАСАЛАЛАР

### Чақалоқ туғилмасдан аввал келган қон

Бундай қон нифос эмас, истиҳоза қонидир ("Cevhere": 2/44).

Бола гавдасининг кўпи чиқмасдан хотин лоҳуса бўлмайди. Бу ҳолатда келган қон ҳам истиҳоза қонидир. Бу онда хотинга намоз фарздир. Ўқимаса, гуноҳқор бўлади. Чақалоққа зарар бермайдиган шаклда намозини ўқийди ("Cevhere": 2/44).

Бу ҳукмда муҳим бир нуқтага ишорат бор. Балки бу мушкул вазиятда намоз ўқиёлмас, агар ўқилмаса, зиммасидан тушмайди, қарз бўлиб қолади. Кейинроқ қазо қилиб ўқиши керак. Чунки бола тамоман туғилмасдан хотин лоҳуса бўлмайди, намоз бўйнидан тушмайди. Намоз вақти чиқмасдан аввал чақалоқ туғилса, намоз хотин зиммасидан тушади.

### Қорни кесилиб, боласи олинган хотин лоҳуса бўладими?

Агар хотин бачадонидан қон келмаса, қорин кесилиб, бола туғса ҳам, лоҳуса саналмайди. Фақат фусл қилиши, намоз ўқиши, рамазон бўлса, рўза тутиши керак ("el-Fikh ale'l-Mezahibi Erbaa": 1/123).

### Хотин бола ташласа, лоҳуса бўладими?

Агар ҳомила инсонлар хоҳиши билан: дори ёки жарроҳлик (кесиш) билан туширилган бўлса, бу иш буюк жиноят ва қотилликдир.

Агар туширилган ҳомиланинг қўл, оёқ, тирноқ, соч ва бармоқ каби аъзолари билиниб-шаклланиб қолган бўлса, лоҳусалик пайдо бўлади, аъзолари ҳануз шаклланмаган-билилмаган бўлса, лоҳуса саналмайди. Тушқудан сўнг қон уч кун да-

вом этади. Аввалдан ҳам энг кам ўн беш кун поклик ҳоли давом этган бўлса, у ҳайз қони бўлади. Ундай бўлмаса, истиҳоза қони саналади ("Dureru'l-Hukkam": 1/43; Tahtavi: 15).

### Лоҳусаликда ўзгариш

Бир хотиннинг лоҳусаликда одати, масалан, йигирма кун қон кўрмоқ бўлса, бу галги лоҳусалигида ўн кун қон, йигирма кун поклик, ўн бир кун яна қон кўрадиган бўлса, бу хотиннинг лоҳусаликдаги одати алмашган бўладики, бу орада қолган йигирма кунлик поклик ҳоли икки қон орасида бўлганлиги учун кейин келган қон ҳукмидадир. Шу ҳолда бу қирқ куннинг аввалги йигирма кунни лоҳусалиқдир. Не қадар поклик билан охирига етса ҳам, қолган йигирма бир кун узр қонидир ва бу кунларда ўқий олмаган намозларини қазо қилиб ўқийди ("Menhe-lu'l-Varidin": 88).

### Истиҳоза (Узр қони)

Истиҳоза бирор хасталик туфайли раҳмдан (бачадондан) эмас, жинсий аъзо томиридан келган ҳидсиз қондир. Ҳайз қони — соғлиқ қони, узр қони хасталиқдандир.

Уч кундан оз, ўн кундан кўп келган қон ҳайз эмас, истиҳоза қонидир. Баъзиларда тўрт, баъзиларда етти, саккиз кун келади. Кўп аёлларда одат муддати маълум. Ҳомиладор хотинлардан, тўққиз ёшга тўлмаган қиздан, одатдан қолган ёшдаги аёлдан келган қон ҳам истиҳоза қонидир. Истиҳоза қони бошқа аъзолар, яъни, оғиз, бурун ва қулоқдан келган қон кабиридирки, бу ҳолда фақат таҳорат бузилади. Давом этса, узр соҳиби саналади ("Meraki'l-Felah": 42).

Ҳазрати Ойиша (р.а.) хабар беришларича, Хубайр қизи Фотима



Расулуллоҳдан: "Мендан истиҳоза қони келмоқда. Намозни тарк этайми?" деб сўраганида, Аллоҳ Расули (с.а.в.): "Ҳа. Зеро, у томирдан келган қондир, ҳайз эмас, фақат ҳайз муддати тугагунча намозни қолдир, тугагач, ғусл қил ва намозингни ўқи", деб марҳамат қилганлар ("et-Tas": 1/108).

Истиҳозали аёллар намоз ўқийдилар, рўза тутадилар, жомеъга борадилар, Каъбани тавоф қиладилар, Қуръон ўқийдилар, Қуръонни ушлайдилар, эрлари билан жинсий муносабатда бўла оладилар.

Фақат, узрли одамларда бўлгани каби, ҳар вақт учун алоҳида таҳорат олиб намоз ўқишлари керак. Бир таҳорат билан бир вақт ичида истаганча фарз ва нафл намоз ўқий оладилар, вақт чиққанда таҳоратлари ҳам бузилади ("Dugeri'l Hukkam": 1/133).

Ҳар қанақа ибодат учун янгидан таҳорат олишлари керак.

### Узр қонининг хиллари

Узр қони етти хилдир:

1. Ҳали тўққиз ёшга тўлмаган қиздан келган қон.

2. Эллик беш ёшдан ўтган аёлдан келган қон.

Бунда қоннинг ранги қуюқ қирмизи ёки қорамтир ва ҳидли бўлса, ҳайз қони, бошқа рангда ва ҳидсиз бўлса, узр қонидир.

3. Чақалоқ туғилишидан олдин келган қон.

4. Ҳайз ва нифоснинг энг кўп муддати кечириб, иккинчи ҳайз муддатига қадар давом этиб келган қон ёки нифосдан сўнгра ҳайзга қадар давом этиб келган қон.

5. Ҳайзнинг энг кам муддати уч кундан оз вақтда келган қон.

6. Аёлнинг ҳайзидан уч кун нисоби бўлиб, ҳайзнинг энг кўп муддати ўн кундан ўтиб, иккинчи ҳайз вақтига қадар давом этган қон ҳам узр қонидир.

7. Агар бир аёлнинг ҳайздан нисоби бўлмасдан ҳайзнинг кунларини кечирадиган ўн кунни ўтказса, бу қон ҳам узр қонидир. Ҳайзнинг энг кўп муддати бўлган ўн куннинг илк беш кунда қон кўрмаса, сўнгра яна етти кун ёки кўпроқ кўрса, шу ҳолда иккинчи ҳайзга қадар кўра-

диган қонларининг бариси узр қонидир ("el-Mebсут": 2/143; "Menhelu-l Varidin": 89).

### Истиҳоза қони қай ҳолларда кўрилади?

Истиҳоза қони қуйидаги ҳолларда кўрилади:

1. Мубтадиа. Балоғатга етиб қон кўра бошлаган аёл дегани. Бундай қизнинг одати ҳар ойда ўн кун белгиланади. Чунки кўпи ҳайз бўлмайди. Ҳар ойдан йигирма кун поклик деб қабул қилинади. Агар давомли қон кўрадиган бўлса, ўн кун одат, йигирма кун истиҳоза деб қабул қилинади.

2. Илк лоҳусалик қони. Қирқ кун, поклиги йигирма кун деб қабул қилинади. Агар қон келаверса, қирқ кун лоҳусалик, йигирма кун истиҳоза деб қабул қилинади.

3. Мутода. Яна аввалги одатидан саҳиҳ (тўғри) бўлароқ қон кўрган, покланган, сўнгра эса, давомли қон кўрган одатини ҳам унутмаган аёл дегани. Бу аёл одат ва поклик вазиятдаги одатига мурожаат қилади, одатидан зиёд кўрилган қон истиҳоза деб қабул қилинади. Одат ўтгач, тарк этган намозларини қазо қилади.

4. Мутахоййира. Одатини унутган аёл дегани. Бу аёлнинг ҳам одатидан зиёда давом этган қони истиҳозадир. Лекин, бу аёл ҳолати (поклиги, ҳайзлиги) ҳар қандай шаклда ҳукм этилмайди. Шаръий ҳукмларнинг энг эҳтиётли бўлгани олиниб, амал қилинади ("Fethu'l-Bari": 1/122; "el-Lubab": 1/32).

### Узрнинг (истиҳозанинг) шартлари

Аёлдан келадиган истиҳоза қонининг ҳамда умуман аёл ва эркакда бўлган узрнинг диний узр ҳисобланиши учун баъзи шартлар бор:

1. Узрнинг бир намоз вақти давом этиши.

2. Таҳорат олиб намоз ўқийдиган миқдорда фурсатнинг бўлмаслиги.

3. Ҳар намоз вақти ичида кам деганда бир марта кўрилиши керак.

### Узр қони тўхтагач, ғусл шартми?

Истиҳоза қони тўхтагач, ғусл шарт эмас. Яъни, фарз эмас. Шунда ҳам, ювиниб-чўмилиш аълодир ("el-Fikhi alel Mezah'bi'l Erbaa": 1/47).

### Узрли аёл маҳси кийса, нима қилади?

Узрли аёл узри давом этаркан, таҳорат олиб маҳси кийган бўлса, намоз вақти ичида такрор таҳорат олаётганда маҳсилар устига масҳ тортади. Намоз вақти чиққач, маҳсилар устига масҳ торта олмайди, маҳсисини ечади. Фақат таҳорат олаётганда ёки маҳсисини кияётганда қон тўхтаган бўлса, маҳси устига масҳ тортиши мумкин. Муқим бўлса, бир кун-бир кеча, мусофир бўлса, уч кун-уч кеча маҳсисига масҳ тортади ("el-Mebсут": 2/143).

### Намоз ичида узр қони тўхтаса

Истиҳозали аёл пешин вақтида таҳорат олиб намоз ўқиса, намоздан сўнг қон тўхтаса, аёлнинг намози тамом ҳисобланади. Агар таҳорат олиб, ҳали намоз бошламасдан аввал ёки намоз ичида қон тўхтаса, таҳорати бузилади ("el-Mebсут": 2/143). Бу ҳолда ўқилган намоз иода этилади. Яъни, қайта ўқилади.

### Узрини кеткиза олса, таҳорат оладими?

Узрини — оққан қон ва шунга ўхшаш нарсаларни танғиб боғлаш билан тўхтата олса, жоиз. Бу ҳолда узр кўтарилади, яъни, кетади. Аммо ҳайзли ва нифосли аёл ҳатто синтинини тўхтатиши жоиз эмас, чунки ташқи кўринишидан тўхтагандай кўринса ҳам, аслида қон оқади.

Буруннинг фақат бир тешигидан оққан қон сабабли узрли бўлган одам таҳорат олса, сўнгра бошқа тешигидан ҳам қон оқса, таҳорат бузилади ("Damad": 1/38).

У узр қони тўхтаган бир пайтда узрдан ташқари ҳар қандай нарса учун таҳорат олган бўлсаю узр қони оқа бошласа, таҳорати бузилади ("Fetava-i Abdurahim": 1/4).

«Buyuk kadin ilmi hali» (Аёллар фикҳи) китобидан  
**Йўлдош ЭШБЕК**  
таржимаси.

Фозил ЗОХИД

# ЁЛҒИЗЛИК

(кечинма)



Ёлғизлик Сенга ярашур, эй зоти беҳожат! Бандаи ожизинг эса, фиғонлар бўлсинким, бу захматни кўтаролмас. Кеча ёнма-ён юрган сафдошлар, сийлашган, сирлашган аҳбоблар бугун йўк. Гурух-гурух меҳмонлар кетдилар, қатор-қатор қарвонлар кўчдилар. Кўзлардан қонли ёш тўкиб, умрбод аза тутган билан ҳам кетганлар қайтмас, аксинча, уларнинг ёнларига борилур.

Падари бузруквордан, мушфик онадан, кадрдон устоздан, қанчалаб қариндош ва биродарлардан жудо бўлган кунларимда фаний дунёда ўлимдан дахшатлироқ ҳодиса йўқлигини англадим.

Айрилик заҳардан-да аччиқ, ёлғиз бошга пар ёстик тошдан-да қаттиқ. Бу ҳолни бошига тушган билади. Зеро, ўт ўзи теккан жойни кўйдиргуси...

Астағфируллоҳ. Тақдирга тан бермай, ёзуқларимга ёзуқ кўшяпманми?! Қазога розилик имоннинг шартки эканини унутдимми ё? Илоҳим, бу гумроҳ кулингни осийлик устига осийлик қилишидан Ўзинг асра...

Не ҳад билан ёлғизлик даво қилурсан, ёлғонга ўрганган югурук тил? Худойим ўғил-қизлар, набиралар, қариндош-уруғлар ато қилмадимми? Авлод, хеш-ақрабо кўнгил қувончи, ғамли дамда далда, чўқаётган иморатни озгина вақт суямакка таянч. Аммо жаҳон айвони пойдор эмас. Мангуликка сафар чоғида ҳамроҳ топилмас. Жигарбандларнинг, энг яқин биродарларнинг ғайрат-ҳимматлари қабргача, холос. Сўнг хар ким у ёғига ёлғиз кетар. Гарчанд бутун манзилгоҳим гулистон, эртаг борар жойим гўристон. Лаҳад ичра якка қоладиган вақт яқин. Шундай кунда тор ва зимзиё уйни кенг, нурафшон қил, Соҳибқарам Зот!

Яратган Раббим! Шундай манзилга етиб келдимки, йўлнинг охири кўринди. Дунё менинг орқамда, охирагга юзма-юзман. Қарасам, ёнимда одамий йўк,

дастгир бўлса, йўлга бошласа. Илоҳи, бунда мени ушлаб турган омонатни хоҳлаган вақтингда розилик билан қабул қилиб, ёлғизликдан халос эт. Имон ила раҳматинга олган бандаларинг қаторига қўш. Муҳаббат, вафо, меҳр-оқибат ҳақида ривоятлар, ҳикоятлар тингладим, бу гўзал фазилатларни ўзимда ва дўстларимда кўришни сидқидилдан истадим. Орзу рўёбга чиқмади, йўқни бор қилишга қодир эмаслигимни билдим. Бошқаларнинг иззат-нафсига тегмоқчи эмасман. Ҳақиқий биродар топа олган, дўстликка умрбод содиқ қолган одамларга бу улуг саодат муборак бўлсин.

Тўғриси, менинг ҳам дўстларим бўлган. Йигитлик ва тавоналиғ фасли, бахт куши бошимга қўнган қуёшли кунлар ёру биродарни кўпайтирди, омад ётлашган қариндошларни ёвуқлаштирди. Нотовонлиғ ва заифлик, омадсизлик ва кулфат, яъни, умрнинг булутли дамлари дўстларни элакдан ўтказди, яқинларни узоқлаштирди. Қарасам, аввалги биродарлар, хеш-ақрабо бегона монанд. Ёлғизлик эзди, аламимни ичга ютдим.

Асабийлик ва паришонлик гирдобиди турганимда, иблис васваса қилди: "Фалак бедодидан фарёд қил, бевафо дўстларга заҳрингни соч, оқибатсиз қариндошларни лаънатла". Имон деди: "Йўк, зинҳор ундай қилма. Дўстлар орасига раҳна солган, дилларни меҳр-муҳаббатдан жудо қилган, биродарларни ғанимлаштирган шум иблиснинг фирибига учма. Тийра дилни сабр нури билан равшан қил. Тушқунлик изтиробини чекма. Сохта дўстлардан, тошжорак қариндошлардан қутқазгани учун Раббингга шукрона айт".

Мен имон даъватига қулоқ солдим. Тақдирга розилик йўлини тутдим. Миннат ва маломат юки елкамдан тушиб, енгил тортдим, руҳан тетиклашганга ўхшадим.

Барибир ёлғизлик ғурбати оғир. "Кўнгил кўнгилдан сув ичар", деб бежиз айтилмаган. Ташна кўнгилни дўстлик булоғидан сув ичишга зор қилган ўз феълим эмасмикан? Хуллас, бу ҳаётбахш неъматдан маҳрумлик менга қисмат экан. Аслида қисматдан шиква-шиқоятга ўрин йўк. Бадбахтлик банданинг феълига хос қусур-нуқсонлари натижаси бўлса ҳам, тақдирдан ташқари эмас. Шум тақдирнинг яратувчиси Аллоҳ, сабабчиси шум шахсдир. Шумларнинг шуми сенсан, эй дўстларидан ажралган нафс бандаси!

Билиш ва билдириш хос бўлган Зотга таважжуҳ этдим. Худоё! Дўст танлашдаги хатоимдан огоҳ қил. Ҳақиқий дўст киму душман кимлигидан ҳабар бер. Тилагим ижобат тошгандек, саволлар жавоби қалб кўзгусида намоён бўлди. Мен туйган ҳикмат, хулоса шуки, ухувват биноси эътиқод пойдевори устига қурилмаса, охири харобдир. Ниҳоят, дўст-душманни таниб олдим. Аллоҳнинг дўсти - менинг дўстим. Аллоҳнинг душмани - менинг душманим!

Ҳаёт йўлида мен каби адашиб доғда қолманг.





Одамлар орасидан садокатли, сабрли, ҳисобли дўст топиш ҳаракатида бўлинг. Бу эзгу ниятга эришишда Аллоҳнинг розилиги мезон бўлсин. Гўзал хислатлари билан куфрни маҳв этиб, дилларни нури имондан фараҳнок қилган пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломдан, Мадинада ансорлардан қиёматлик дўст топа олган маккалик муҳожир саҳобалардан, уларга эргашганлардан ибрат олинг.

Шукрулиллаҳ, энди мен ёлғиз эмасман. Ҳақиқий дўст Аллоҳ эканига қаноат ҳосил қилдим. Ибодат чоғи қиблага юзланганимда, қалб кўзи дийдорига интиқ. Мен кўрмасам ҳам, У мени кўради. Қўлимни дуога очиб, ҳожатимни Ундан сўрайман. У беради. Кам-зиёд демайман. Холни, ўлчовни Ўзи билади.

Шунга амин бўлдимки, ўзини Аллоҳга топширган киши дунёда таңҳо қолса-да, ёлғиз эмасдир, Аллоҳнинг ҳифзу ҳимоясидадир. Кимсасиз саҳрою ўрмон ичра адашса ҳам, зулмат чўккан зиндонда ҳам, ёв қуршовида ҳам хатарлардан омондадир!

Ким ёлғиз? Аллоҳдан узилган шахс жамиятда, оломон ичида бўлса ҳам, ёлғиздир. Ким ёлғиз? Сафарда минг ҳамроҳ ёнида юрса ҳам, Худони унутган йўлчи ёлғиз. Кимлар ёлғиз? Агар Аллоҳ томонидан мадад-нусрат етмаса, қуролланган сонсиз лашкар кўриклаб турган куч-қудратини оламга кўз-кўз қилган султонлар ожизу ёлғиз.

Эй қалб кўзи аъмо кимса! Ёлғиз кўриб, ҳеч кимни камситма ва ўқситма. Унинг тоғдек таянчи, меҳрибони борки. кўрмассан, Парвардигори олам ул бандасининг ҳолидан ҳар доим огоҳдир.

Эй забту устуворлик майидан маст бўлган зўравон! Ожиз билиб, мени қийнама, кўрқитма. Сабру таваккул либоси қалқонимдир, мен билан сени яратган Зот халоскорим. Зулм ва зуғум учун жавоб берарсан!

Мен дунёдан безмадим. Дунёни бевафо дейишга, мазаммат қилишга тилим бормайди. Ахир, бу кутлуг уйни Аллоҳ яратган. Бир уйки, яхши меҳмонлар унинг кўрки ва чиройини очади. Обод ва ораста тутиб, неъматларидан баҳраланаяди. Рўйи заминдаги ёвузликлар, қабоҳат ва фитна-фасодлардан эса, гўзал олам хунуклашади, кенг дунё тораяди, озода қошона ифлосланади. Бу меҳмонхонада ким ўзини қандай тутди, кимдан боғ, кимдан доғ қолди - рўзи ҳисобда маълум бўлмай. Ёмонлар яхшилардан айриладиган, қилмишларига яраша жазо оладиган кун, албатта, келади! Ўз ҳаётларини ажру савобга лойиқ амаллар билан зийнатлаганлар ер юзидаги қиска умрлари давомида охиратдаги абадий ҳаёт бахти учун замин ҳозирлаганлар раҳмати илоҳийга сазовордирлар. Бу дунё деб, у дунёни арзимас ақчага сотганларнинг ҳолига вой!

Бу сўзларни демак осон, аммо икки дунё юкини елкада кўтармоқ душвор. Ўзимдан сўраб боқай-чи: хўш, сен кимсан? Мол изида елиб-югурган, ғанимат вақтингни зое кетказган дунёпарастлардан бири сен эмасмисан? Нафсинг туғён қиладур: ҳали тўймадим,

яна бер, кўп керак, кўпроқ керак. Соч оқарса ҳам, тинма, бел букчайса ҳам, тинма. Аввал ўзинг учун чопдинг, кейин боланг учун. Энди набиранг учун чоп!

Эй югуриб-елиб толмаган оёк, тез орада бўгин-бўгинингдан узиларсан. Эй кўпга, кўпроққа тўймаган кўз, ҳали замон қора тупроққа тўларсан. Уйғон, го-фил банда! Жон ҳақини адо эт, у сенга омонатдир, эзгу ишларинг ила яхши ном қозон. Эгасини рози қил. Ҳаялласанг, кечикарсан, жон баданни тарк этар.

Эй ҳаётни ва ўлимни яратган Холиқи Зулжалол! Хоки туробга жон бердинг, яна олурсан. Сабабини сўраш ҳаддим эмас. Яратиш, имтиҳон қилиш, ўлдириш, тириштириш Сенинг иродангга тааллуқ. Менинг вазифам - итоат.

Таассуф! Вазифам адосида уятликман. Ниманики қил дединг, оздан-да озроқ қилдим. Неники қилма дединг, кўпдан-да кўпроқ қилдим. Мардудликни қиммат қилсанг, менинг феълимдану Сенинг адлингдан, макбуллик шарафига сазовор этсанг, бу иш Сенинг фазлингдандур, эй Раҳмон!

Дўзаҳга кирмасдан бурунроқ ўт ичра ёнмоқдаман. Кўздаги надомат ёшлари бу ўтни ўчира олмас. Юрган йўлим, босган изларим, қилмишларим ҳақида ўйласам, кўз ўнгимга тарозу келади, исён юки босган палласини кўриб, жаҳаннам оташи вужудимга кўчади. Тозаланиш учун ёнишим керак бўлса, бу дунёда ёқ мени, Раббим, фақат охират оловидан халос эт!

Менинг ўз излаганим бор. Ёр сари талпинаман, висолга, дийдорга муштоқман. Ноумид қилма, жаомлинг шуъласидан қалбимни мунаввар қил, зиёбахш Зот! Унвонлар мурод бўлса, бердинг: инсон қилдинг, мусулмон қилдинг - соҳиби кўш унвонман. Худоё, шу олий унвонга муносиб қил. Мен бебаҳо тенгсиз бир бойлик истарман. Имон гавҳарига эга бўлмоқчиман. Худоё, бу бойликни насиб қил. Ниҳоят, мен бир мақомни истарманки, жумла исёнларни ўтга ёқсам, кул бўлса. Бу мақом тавба мақоми. Шу даражага сазовор этгил, осийлар кўнглида тавфик чиройини ёқувчи Зот!

Тавбани ўтга, гуноҳларни ўтинга қиёс қилмишлар. Ҳаёдан тавба ўти устига беадад ёзуқларни ўтин қилиб қаладим, ёнмади. Кабир гуноҳлар - ҳўл, чайир тўнкалар тутаб тураверди. Исён дуди кўзимни кўр қилаёзди, нафасимни бўғди. Мағфират шамолини эстир, истиғфор алангасида исёнлар қулини кўкка совор, ё Гаффор!

Яшаш учун дунё берган Зотдан тиладим: дунёда мени ёлғиз қўйма. Жамоадан жудо этма. Икки тилагим ҳам мустажоб бўлди. Ёлғиз эмасман, ўзинг борсан, паноҳингдаман, Парвардигорим. Сен иноят қилдинг, жамоатимни топдим. Энди вужудим гўё ёлғиздай яккаланиб қолгандай бўлса ҳам, барибир жамоат ичидаман. Мени Ислом жамоатига кўшган ва аҳли сунна вал жамоатга тобеъ қилган ҳидоят соҳибига, раҳмли ва меҳрибон Аллоҳимга ҳамду санолар бўлсин.

Хоразм



# САОДАТГА ЭЛТУВЧИ ИЛМ

## Эмин УСМОН

Кўхна Туркистон заминининг қадим пойтахти Қашқар тупроғида ўз илми, бадий тафаккури ва дунёдорлик салоҳияти билан ўн асрдан буён олам аҳлини ҳайратга солиб келаётган икки буюк аллома абадиёт уйқусига чўмиб ётибди. Башарият ўн асрдан бери уларнинг номларини биллади-ю ўзларининг кимлигини биллолмай доғда. Тарихимизга оид жуда кўп қўлёзмаларда, илмий асрларда мелодий давр бошларидаги, ҳатто ундан беш-олти аср муқаддам ўтган талай ҳукмдорлар, олимлар, давлат арбоблари ҳақида анчагина батафсил маълумотлар бор. Бироқ бу икки зотнинг шахси, ижтимоий фаолият ҳақида ҳеч нарса тополмаймиз. Бугун Туркистоннинг бирлиги ҳақида юксак минбарлардан туриб гапирилаётган бир пайтда бу алломаларнинг хизматлари янада теран салмоқ касб этади. Бугун қадимий тарихимиз саҳифаларини

ўрганиш, маданият обидаларини тиклаш, миллат тушунчасининг сарҳадлари аслида нечоғли кенглигини таъкидлаб ўтиш жуда ҳам зарур.

Қашқарда туғилиб, барча туркий халқлар тили, урф-одатлари, халқ кўшиқлари, мақол-маталларини жамлаб, араб тилида тасниф этган ва арабийзабон илм аҳли орасида катта обрў-эътибор қозонган Маҳмуд Қошғарий энг аввало ўз халқини – туркий тилда сўзлашувчи эл-улусни дунёга танитди. “Маили мусулмон бўлсин, бўлмасин, Рум ўлкасининг ёнидан кунчиқарга кетган тартиб бўйича Шарқдаги турк қабилаларининг турар жойларини кўрсатиб ўтдим”, дея ўзининг улуғ хизматини ғоят камсукумли билан баён этади аллома. “Девону луғатит турк”да туркий халқларнинг асли йигирма қабила экани, уларнинг шажараси Нуҳ алайҳиссаломнинг ўғли Ёфас ва унинг ўғли Туркка бориб туташини айтиб ўтилган.

Қорахонийлар салтанатида вазирлик лавозимини эгаллаган Юсуф Хос Ҳожиб эса туркий шеърини дoston битиб, туркигўй халқларни улуглашни ният қилган. Бир ёки бир неча уруғ, элат айтмоқни эмас, ўнлаб туркийзабон уруғлардан таркиб топган ягона туркий халқни тадқиқ эта олган.

Пайғамбар алайҳиссалом бир ҳадиси муборақларида: “Олимлар пайғамбарларнинг ворисларидир”, деганлар. Бу ворислик одамлар қалбига имон-эътиқод, илм-маърифат зиёсини тарқатишдан, миллат тушунчасини фақат этник хусусиятлар нуқтаи назаридан эмас, балки эътиқод муштараклигидан келиб чиққан ҳолда англашдан иборатдир. Кўхна адабиётимизнинг мумтоз намуналарини ўқиганда бу нарсага яна бир қарра амин бўлади киши.

“Қутаду билиг” (Саодатга элтувчи билим) инсонни комилликка ундовчи насиҳатномадир.

Юсуф Хос ҲОЖИБ

## ҚУТАДУ БИЛИГ

Аллоҳ номи бирла бошладим сўзим,  
Яратган, улғайтган, кечирган ўзи.  
Беадад мадҳ ила туман минг сано,  
Қодир Худога хос, унга йўқ фано.  
Бўз тупроқ, зангори кўк ва ойу тун,  
Яратди замон, вақт, махлуқ бирла кун.  
У истаб яратди, яралди тугал,  
Воҳид “Бўл!” деди, бор бўлди мукамал.  
Барча яралмишлар муҳтождир унга,  
Эгам сен беҳожат баёт,  
Ўзингдан бўлакка ярашмас бу от.  
Улуғлик сенгадир, буюклик сенга,  
Ўзингдан ўзга йўқ тенгу тўш сенга.  
Танҳосан, кўшилмас сенга бошқа бир,  
Ҳаммадан аввалсан, ҳаммадан охир.  
Санокдан холидир сенинг бирлигинг,  
Етди ҳар нарсага шону қудратинг.  
Шубҳасиз танҳосан, эй боқий Эгам,  
Тафтишдан холисан ва санокдан ҳам.  
Ич-тошин билгувчи, эй ҳаққо яқин,  
Кўзимдан йироқсан, кўнгилга яқин.  
Борлигинг ой-кундек равшану аён,  
Ақл лол сифатингдан, дил эса ҳайрон.

Воқеликдан эмас сенинг борлигинг,  
Яратдинг барчани, ҳаммаси сенинг.  
Неки бор мавжудот яратдинг ўзинг,  
Йитажак ҳаммаси, боқий сен ўзинг.  
Яратган бориға яралган тонук<sup>1</sup>,  
Яралган ҳар неки тонуқи аниқ.  
Унинг ўхшаши йўқ ва ёки тенги,  
Нечуклигига етмас инсоннинг онги.  
У юрмас, у ётмас, уйғоқ, ухламас,  
Унингдан йироқдир тасаввур – қиёс.  
На олдда, на кейин, на ўнг-сўлда у,  
На пастда, юксакда, рўбарўда у.  
Маконни яратди, макон йўқ унга,  
Унингсиз макон йўқ, ишонгин бунга.  
Эй сирга монанд, эй кўнгилга азиз,  
Сенга гувоҳ барча сурат ҳамда из.  
Яратдинг туман минг тирик жон сонсиз,  
Қуруқлик, жарлик, тоғ, дала, дўнг, денгиз.  
Безатдинг яшил кўкни юлдуз била,  
Ёритдинг қора тунни кундуз била.  
Учгувчи, юргувчи, тин олгувчи жон,  
Сендан ризқ топиб ер, ичар бегумон.  
Арши аълодан ер остигача то,  
Барча сенга муҳтож, эгамсан якто.  
Аллоҳнинг ҳамдига тилинг бурро қил,  
Дилинг шаксиз ишонсин, танисин ақл.

<sup>1</sup> Тонук – гувоҳ, шоҳид



Асарда рамзлар, тимсоллар орқали инсон ва имон-этиқод, инсон ва жамият, инсон ва бурч каби масалалар ғоят содда ва гўзал шеърӣ услубда баён этилган. “Қутадғу билиг” бадий тафаккури, тадқиқ кўлами ва шеърӣ қиммати жиҳатидан жуда ҳам мўтабар асардир. Уни “Девону луғатит турк”даги шеърӣ парчалар билан солиштириб, X-XI аср шеърӣяти бадий баркамоллик жиҳатидан ғоят юксак савияда бўлган экан, деган хулосага келиш мумкин. Минг афсуски, шу пайтгача бу нодир дурдоналардан халқимиз бебаҳра бўлиб қоляпти, ҳалигача бу шоҳ асарлар чуқур илмий тадқиқ этиб ўрганилгани йўқ.

Илм аҳлига яхши маълумки, “Қутадғу билиг”нинг уч нусхаси – Қоҳира, Наманган ва Вена нусхалари мавжуд. Афсуски, ҳар учала нусха ҳам мукамал эмас. Қўлёзмаларда хаттотларнинг саҳв-хатолари кўп. Масалан, хаттотларнинг хатоси туфайли Наманган нусхаси 6095 байт, Қоҳира нусхаси 5400 байтдан иборат. Вена нусхаси эса булардан

ҳам нуқсонли. Улуғ бобокалонимизнинг ўзи тартиб берган ва ўша даврда кўчирилган асарнинг асл нусхаси ҳалигача топилгани йўқ. Бунинг устига “Қутадғу билиг” асари устидаги тадқиқотлар беҳад кечикиб, фақатгина XX асрга келиб бошланди. XI асрда шундай асар ёзилгани ҳақидаги илк хабар бизнинг матбуотимизда 1914 йили эълон қилинди. Орадан ўн йил ўтгач, профессор Абдурауф Фитрат дostonнинг Наманган нусхасини қўлга киритди ва маълум изоҳлар билан асардан парча эълон қилдирди. Орадан йигирма йил ўтгач, бу хайрли ишга турк олими Ришод Раҳматий Орот қўл урди. У “Қутадғу билиг”нинг дунёда мавжуд учала нусхасини солиштириб, номукамалликлар ўрнини тўлдирди ва 1947 йили дostonнинг насрий баёнини чоп эттирди. Кейинчалик нисбатан мукамал назмий нусхасини тайёрлаб, нашр қилдирди ва уни ҳозирги замон усмонли турк тилига таржима қилди. Шунингдек, асар мундарижасига тартиб берди. Маълумки, бизгача этиб келган

барча нусхаларда мундарижа йўқ. Бундан ташқари Ришод Раҳматий Оротнинг катта хизматларидан бири шундаки, у Юсуф Хос Ҳожибнинг ёшликка ачиниб, кексалик ҳақида айтганларини, замоннинг бузуқлиги ва дўстларнинг жафоси тўғрисидаги фикрларини, китоб эгаси Юсуф Хос Ҳожибнинг ўзига насиҳатини алоҳида қисм қилиб асарга киритди. Турк олимнинг бу беназир хизмати туфайли қўлимизда ҳозир биз мутолаа қилаётган нисбатан мукамал нусха пайдо бўлди.

1972 йили таниқли олимимиз Қаюм Каримов “Қутадғу билиг”нинг мазмун таржимасини тайёрлаб, нашр эттирди. Мен асарнинг назмий таржимаси устида ишлашда аввало асарнинг Наманган нусхасидан, Қаюм Каримовнинг мазмун таржимасидан, турк ва ҳозирги замон уйғур тилларида нашр этилган шеърӣ таржималардан фойдаландим.

Шу асарнинг муқаддима қисмидан бир парчани сизга ҳам илиниб, “Ҳидоят”га тақдим этдим.

У қандай демоқдан кўнгилни асра,  
Ишонгин, бадгумон бўлмагин сира.  
Нечук, қанча деб сўрма, тийгин ўзинг,  
Гумон, шубҳасиз тани, чўзма сўзинг.  
Бу мунгли қулингни, эй мунгсиз Эгам,  
Афв этгин гуноҳин, айлаб сен карам.  
Бир сенга сизгиндим, умидим сендан,  
Қийналсам, мададинг аяма мендан.  
Суюкли расул бирла турғиз мени,  
Қўлим тутгувчи қил қиёмат уни.  
Унинг тўрт дўстига туман минг салом,  
Етказиб тур мендан албат бардавом.  
Улуғ кунда кўрсат уларнинг юзин,  
Раҳнамо айла мудом яхши сўзин.  
Ярашарди ўзинг мадҳ этсанг ўзинг,  
Мен эса ожизман, кесилди сўзим.

### ПАЙҒАМБАР АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ БАЁНИ

Юборди расулни меҳрибон Эгам,  
Инсонлар сарасию яхшисин ҳам.  
Машъал эди халққа қоронғу туни,  
Нурдек ойдинликка чиқарди уни.  
Аллоҳдан хабарчи эди бетимсол,  
Тўғри йўлни топдинг шунда бемалол.

Отасин, онасин фидо қилди ул,  
Тилак уммат эди, кўрсатди туз йўл.  
Тунлар ухламасдан ва кундуз емай,  
Сени сўрди Ҳақдан бўлакни демай.  
Тилади сени тун-кун заҳмат била,  
Уни мадҳ эт энди, ризосин тила.  
Бутун қайғуси фақат уммат эди,  
Қутқариб, роҳатга чиқармоқ эди.  
Отадан, онадан бўлиб меҳрибон,  
Аллоҳдан сўрарди умматин ҳар он.  
Халққа у Худонинг раҳмати эди,  
Хушфеъл, хушхулқ, жон роҳати эди.  
Мулойим, хушсурат, хуснихулқ эди,  
Ҳам сахий, ҳаёли, очиқ қўл эди.  
Кўнғир ер, яшил кўкда эди азиз,  
Роббим уни эъзоз айлади ҳадсиз.  
Азалдан бош эди бор элчиларга,  
Сўнги муҳр бўлди хабарчиларга.  
Унинг ҳақ йўлига кўнгил боғладим,  
Қавлига ишониб, сўзин англадим.  
Ё раб, эҳтиёт қил менинг қалбимни,  
Қиёматда у бирла турғиз мени.  
Қиёматда кўрсат ой каби юзин,  
Қўлим тутгувчи қил илоҳо ўзин.

Қадимий туркий тилидан ҳозирги замон ўзбек тилига ўгириб, нашрга тайёрловчи **Эмин УСМОН**

# ИЛМ ВА ТЕХНОЛОГИЯ

(Давоми)

## 2. Илмий кашфиётлар

Расулуллоҳ (с.а.в.) даврларида ҳали электр ва газ лампалари кашф этилмаган, одамлар хурмо шохларини ёқиб уйларини ёритишар, унинг ёруғида намоз ўқишар эди. Кунларнинг бирида масжидга антиқа бир қандил келтиришди. Уша кунгача ҳеч ким бундай қандилни кўрмаган эди. Аслини олганда, у бир идишга зайтун ёғи қуйилиб, ичига пилик солинган ғоятда содда бир қандил эди. Аммо у атрофдагиларни ҳайрон қолдириб, ажойиб нур таратарди. Шу пайт масжидга Расулуллоҳ (с.а.в.) кириб келдилар. Қандилга кўзлари тушиши билан юзларига табассум югуриб:

— Буним ким олиб келди? — деб сўрадилар.

— Биродаримиз Тамимдорий Шомдан келтирибди, — деб жавоб қилишди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) ёнларида турган Тамимдорийга қараб марҳамат қилдилар:

— Аллоҳ рози бўлсин, эй Тамимдорий. Сен бизнинг масжидларимизни қандай ёритган бўлсанг, Аллоҳ ҳам сени шундай ойдинлатсин.

Қандил ёруғида шом намозини ўқидилар. Ҳамма хурсанд, қалблари ҳаяжонга тўла. Қандилдан ҳеч ким кўзини уза олмай қолган эди. У зот яна Тамимдорийга юзланиб:

— Эй Тамимдорий, бизни шундай мамнун қилдингки, яна бир қизим бўлганида сенга бериб, сени ўзимга қув қилган бўлардим, — дедилар ("Исоба": 1/184).

Расулуллоҳнинг (с.а.в.) ушбу олқишлари замирида, энг муҳими, барча мусулмонларни кашфиёт ва ихтирога ташвиқ ва тарғиб ҳам бордир.

Бошланиши ўтган сонда.

Расулуллоҳ (с.а.в.): "Ҳикмат ва фойдали илм мўминнинг йўқотган молдир, уни қаерда топса, олишга лойиқдир" (Термизий, "Илм": 19; Ибн Можжа, "Зухд": 15) деган марҳаматлари билан мусулмонларни фойдали илм ва ҳикматта ундаганлар.

Шунингдек, Расулуллоҳ (с.а.в.) эронликларнинг усули бўлган ҳандақ қазишни ва Хайбар фатҳи асносида яманликларнинг усули саналган манжаниқни ва тош отишни амалга киританлар, биринчи бўлиб ўзлари тош отанлар.

Расулуллоҳ (с.а.в.) фойдали нарсаларни олиш билан бирга, фойдали илмни эгаллаш йўлида Чин мамлакатига бўлса ҳам боришни ("Кашфул-Ҳафо": 1/393. х. 397) тавсия этганлар.

Ҳадиси шарифлардан бирида энг яхши инсон кишиларга энг кўп фойдаси тегадиган инсон эканини ("Кашфул-Ҳафо": 1/393. х. 1254.) билдириб, мусулмонларни фойдали иш қилишга ва инсонларга наф келтиришга ундаганлар.

Фойдали янгилар хусусида эса, шундай марҳамат қилганлар.

"Ким янги, яхши бир йўл очиб, ундан кейингилар шу йўлдан борсалар, унга эргашганларнинг савоби ҳеч камайтирилмасдан айнан ўзига берилади (Ибн Можжа, "Муқаддима": 14).

Расулуллоҳнинг (с.а.в.) шунга ўхшаш ташвиқ ва тарғиблари сабаб бўлганки, Исломи тўғри тушунган мусулмонлар ўзларини илмга бағишладилар, кашфиёт ва ихтиролар қилдилар. Илм ва маданиятда пешқадам бўлдилар. Оврупа Ренессанс (Уйғониши) уларнинг узоқ йиллик салб юришлари чоғи мусулмонлардан ўрганган билимлари ва Андалус давлатидан олган илмлари натижасидagina рўй берган.

Аммо кейинги бир неча аср давомида бунинг тескариси бўлди. Биз Исломи керагича тушуниб етмадик, динимизнинг илм хусусидаги амраларини бажо келтирмадик ва орқага кетдик. Оврупа эса, биздан ўрганганларини ривожлантириб, бугунги даражага эришди. Қачонки биз илмга юз буриб, ҳаракат қилсак, излансак, ўшанда тараққиётга эришамиз ва ўтмишдаги мусулмонлар каби дунёда ўз ўрнимизга эга бўламиз.

## 3. Телевизордан нурланишгача

Ҳаёлий филмларда инсонлар ва буюмларнинг нурланиб, кўз очиб юмгунча бир жойдан иккинчи жойга кўчишларини ҳаммамиз томоша қилганмиз.


Нурланиш ҳодисасининг манбаи

нималиги ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Сўзни узайтмасдан айтадиган бўлсак, бу манба илохий китобимиз Куръони Каримдир. Ҳа, худди шундай. Буним Ҳазрати Сулаймон (а.с.) билан боғлиқ оятлардан библи олишимиз мумкин. Намл сурасидан маълумки, Сулаймон алайҳиссалом пайғамбар ва подшоҳ эди. У шундай ҳукмдор эдики, сўзи фақат инсонларга эмас, балки жинларга, шамолга, хуллас, ҳамма нарсага ўтарди. Бир куни Яманда Билқис исми қиролича борлиги ва унинг қавми қуёшга сизиниши ҳақида хабар топади. Элчилар юбориб, уни ёлғиз Аллоҳга имон келтириш ва ибодат қилишга даъват этади.

Қиролича Билқис аввалига имонга келишни истамай, масалани туҳфалар юбориш билан ҳал этмоқчи бўлади, аммо Сулаймон алайҳиссаломнинг қатъиятини кўриб, ўзи унинг ҳузурига боришга мажбур қолади. Сафарга ҳозирлик кўрилиб, икки-уч ой давом этадиган йўлга чиқилади. Ҳазрати Сулаймон Билқисга бир мўъжиза кўрсатишни ихтиёр қилади. Шундай бир мўъжиза бўлиши керакки, Билқис кўрган заҳоти қуёшга сизинишдан воз кечиб, имонга келсин. Шу мақсадда мамлакатда энг машҳур олимларни ва моҳир жинларни чақиради ва уларга юзланиб, дейди:

— Эй пешволар, улар ўз ихтиёрлари билан келиб менга таслим бўлмай туриб, ёқайси бирингиз у хотиннинг тахтини менга келтира оласиз?

Жинлардан бири ўрнидан туриб: — Мен олиб келаман, эй пайғамбар, — дейди. — Шу ердан оёғимни





# «БИЗ ҚУРГАН УЙЛАР»

узмасданоқ уни сизга келтираман. Бунга кучим етади ва ишончли кишиман. Ҳеч қандай зарарсиз уни бу ерга келтира оламан.

У Сулаймон алайҳиссаломнинг яқинларидан бири бўлиб, ёши улуг, илоҳий китобларнинг сирларидан воқиф донишманд жин эди.

— Сиз киприк қоқишга улгурмай туриб уни бу ерга олиб келаман, — дейди у такрор.

Сўзи тугаши билан тахт пайдо бўлади. Билқиснинг безакли тахти Сулаймон алайҳиссаломнинг пойида турар, ҳамма унга ҳайрат билан қараб, тахт атрофидаги кишиларнинг овозини эшитар эди. (Муфассал маълумот учун қаранг: Намл сураси, 20 — 43-оятлар.)

Бу мўъжиза бизга бир буюм ва ҳодисанинг тасвир ва овоз билан бир жойдан иккинчи жойга узатилиши мумкинлигини кўрсатади, яъни, телевизион эфирга ишорат этади.

Юсуф сурасининг 24-оятида: «Ўзига берилган илм ва ҳикмат ила Р Раббининг далилларини кўрмаганида...» маъносидаги оятнинг тафсирида «далиллар» сўзи изоҳланар экан, Ҳазрати Юсуф саройининг девори ёрилиб юзларча чақирим узоқликда бўлган Канъондаги отасини кўриши ҳодисаси келтирилдики, бу ҳам телеэфирга бир ишорат маъносини билдиради.

Аллоҳ таоло бир нарсани мисол келтиради ва инсонларнинг бундан ўрнат олиб ҳаракат қилишларини истади. Ҳавони радио ва телевизор тўлақинларини ташийдиган қилиб яратган қодир улу-жалол Аллоҳ таолодир. Инсонларнинг зиммасида энди шу яратилганларни истифода этиш вазифаси қолган. Бу ҳақиқатни тушуниб етган инсонлар изланиб ҳаракат қилдилар. Телефон, радио, ниҳоят телевизор ихтиро этилди.

Овоз узатиш радио, телефон, ратсия каби жиҳозларни, тасвир узатиш эса, телевизорни ихтиро қилиш билан амалга оширилди. Жисми айнан бир жойдан иккинчи жойга узатиш билан боғлиқ тажрибалар бугунги кунда давом этмоқда.

Қуръони Карим ишорат қилган нуқтага етиб борилган кунни кўрмоқчи бўлган одамимизни телеэкранда кўрибгина қолмай, балки, қаерда бўлишидан қатъи назар, истаган заҳотимиз уни жисман ўз уйимизда кўришга муяссар бўламиз, иншааллоҳ!

Ҳамма нарса бизнинг изланишимиз, ҳаракат ва ғайратимизга боғлиқ.

**Зариф**  
**ҲИКМАТЗОДА таржимаси**

*Оғатга бирор муҳим мавзу ё кизиқарли тақдир эгаларини ахтариб журналист юрт кезади. Бизнинг қахрамонимиз тахририятга ўз оёғи билан кириб келди.*

*Пешин намозидан кейин бинотининг иккинчи қавати майдончасида икки-уч киши суҳбатлашиб турган эдик, бир отахон эътиборимизни тортди. Ажойиботлар музейига илк бор кирган боладай, бир қадам кўяди, ниманидир томоша қилади, яна бир қадам кўяди, бошқа нарсага қарайди. Пастки қават майдончасини бир меъёр айланиб чиқди, сўнг иккинчи қаватга кўтарилди бошлади. Зинанинг тутқичини ушлаб ҳам пича туриб қолди. Ёнимиздан ўтиб бораркан бизни ҳатто пайқамасди ҳам. Салом бердим.*

— **Ким керак эди, отахон? — дея сўрадим.**

— Ҳайрон бўлманглар. Йигирма йилларча бурун шу иморатни биз қурганмиз. Тошканга йўлим тушган эди, бир зиёрат қилиб кетай дедим.

*Отахоннинг қўлидан ушладим: — Сизни менга Аллоҳ етказди. Қани, ичкарига, — деб хонамга бошладим.*

*Бир вақтлар бу бинони қурган қурувчи билан бугун шу бинода*

*ишлайтган журналист нима ҳақда ҳам суҳбат қуради:*

— Бугун бу ерда бизнинг «Ҳидоят» ойномамиз, «Ислому нури» газетаси тахририятлари, «Мовароуннахр» нашриёти жойлашган. Хуш келибсиз.

— Яхшиликка хизмат қиялпти экан, Аллоҳ ишларингизнинг баъзоридан берсин.


— Ўзингизни таништирсангиз.

— Исми Ортикжон, кўқонликман, ёшим олтиш учдан ошди. Иморат устасиман. Гишт териш, сувоқчилик, нақш ва бўёқ ишлари — ҳаммасидан ҳунарим бор. Раҳматли дадамиз марҳум муфтий Зиёвуддинхон қори ака билан қадрдон бўлишган. Бир йили марҳум Абдуғани ака Абдуллаев уста ахтариб Кўқонга бориб қолдилар. Жўрнол редакциясига бинотини қуришимиз керак, дедилар. Ўшанда мен Мадрасаи Мир масжидида устачилик қилиб юрган эдим. Имомимиз Нўъмонхон ака мени кўрсатдилар. Шу сабаб қурилишга ҳиссам қўшилиб қолди. Биргадир — уста эдим, бинотининг асосидан бошлаб, яъни, 81-йилдан то биттунича — 83-йил охириларигача ишлаганман. Кейин Ҳазрат Фазалкентда масжид, Чинозда а минорамезана қурдим. Чинознинг Қурғончасида аркали иккита дарвоза қуриб бердим. Шаҳрихонда катта «Эшқул халфа» даҳмаси, Кўқоннинг Дегрезлик маҳалласида «Ҳаким халфа» масжиди...

— **Оилангиз, фарзандларингиз ҳақида гапириб берсангиз.**

— Аллоҳга шукр, уч ўғлим Раҳматуллоҳ қоридан дарс олган. Ҳасан-Ҳусан катта ўғилларим иш билан бўлиб кетишди, кенжам Абдулбосит ўн беш ёшида мураттаб қори бўлди. Ҳозир йигирма бирга кирди, беш йилдан бери Рамазонда хатмга ўтиб беради.

*Отахон ҳаяжонланар эди. Қурган иморати узоқ йиллар кўпларга хизмат қилса, тарбия қилган солиҳ фарзандларидан оғамларга наф етса... бир инсонга, бир отага бундан ортиқ нима керак!*



**НУРУЛЛОҲ**  
**суҳбатлашди**



Рустамжон ТОЖИБОЕВ,  
филология фанлари номзоди

# ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА

Ҳозирги катта ёшлиларнинг аксарияти даҳрийлик, худосизлик ҳукмрон мафкура бўлган шўролар даврида таълим олганлар. Ҳамма билимгоҳларда: "Худо йўқ, уни одамларнинг ўзлари табиат сирларини билмасликлари туфайли тўқиб чиқарганлар", деб тушунтиришган. Барча адибларимиз салкам даҳрийга чиқариб қўйилган эди. Айниқса, XX аср янги ўзбек адабиёти асосчиларидан бири Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳақида: "Ҳамза ашаддий даҳрий бўлган, шунинг учун Шоҳимардон шайхлари томонидан ўлдирилган", деган фикрни зўр бериб таъкидлаганлар.

Аслида шундайми? Ҳамза даҳрий бўлганми? Бундай ҳукм чиқаришга қандай асослари бор эди?

Жавоб бундай: деярли ҳеч қанақа асос йўқ эди. Бу мураккаб шахс ижодини яхши билганлар, унинг "Тўла асарлар тўплами"ни ўқиб чиққан китобхонлар бу фикрга қўшиладилар деб ўйлайман. Чунки бу нашрга адибнинг қарийб барча асарлари киритилди. Жумладан, унинг диний-илоҳий мавзуларда ёзилган назмий ва насрий асарлари ҳам. Афсуски, илмий нашр бўлгани учунми, атиги беш минг нусхада босилган ва ундан кенг китобхонлар оммаси бехабар қолганлари аниқ.

Биринчи жилдидан шоирнинг мумтоз шеъриятимиз анъаналари асосида яратилган "Девони Ниҳоний" ўрин олган. Ўтмишда яшаб ўтган барча мусулмон шоирлар қатори Ҳамза Ҳакимзода ҳам суннатга амал қилган ҳолда Аллоҳнинг мадҳига бағишланган:

"Ё Илоҳо, сангадур ҳамду сано,  
Қодиро, Ҳайю тавоно зулаъло",

деб бошланувчи йигирма саккиз байтли қасидани девонга биринчи шеър сифатида киритади. Шеърда ўн саккиз минг оламини яратган Аллоҳ таолонинг сифатлари таърифланади.

Шоир чин мусулмон сифатида Аллоҳ таолонинг барча сифатлари ва қудратига тан бериб, унинг ер ва етти қават осмон, ой, қуёш ва оламнинг яратувчиси эканига шоҳидлик келтиради. Аллоҳнинг сифатларини зикр этган шоир Яратгандан осий

бандаларига маърифат ато этишни, қиёмат куни шарманда қилмасликни сўрайди.

"Девони Ниҳоний"нинг иккинчи шеъри пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом таърифларига бағишланган. Бу шеърда ҳам Ҳамзанинг пок эътиқодли уммат, Расули Акрам учун ҳатто жонини фидо қилишга тайёр мўмин сифатидаги қиёфасини кўрамыз. Барча мусулмонлар қатори, у ҳам пай-

## ДАҲРИЙ БЎЛГАНМИ?

ғамбаримизни "анбиёлар сарвари, маъшуқи Ҳақ, ҳодийи саргаштагон, муқтадойи авлиё, шафоатхоҳ" деб билади. "Нафси бад йўлида қилдим бу азиз умрим адо" деб нола чеккан шоир Расули Акрамдан қиёмат куни шафоатларини дариф тутмасликни сўрайди:

Тун саҳарлар исми покинги ёд этар маҳзун  
Ниҳон,

Тут шафоат дастида, албатта, фи явмул-жазо.

Девондан ўрин олган яна ўнлаб ғазал, мухаммас, мусаддасларда шоир дунёнинг сирларини Аллоҳ таоло мўъжизалари сифатида кўрганини баён этади, ўзининг гуноҳқор банда эканини тан олади, қилган маъсиятларига тавба қилади, Яратганининг раҳматидан умидворлигини билдиради ва ҳоказо.

Ҳамзанинг мўминлиги усули жаҳид мактаблари учун ёзган "Енгил адабиёт", "Ўқиш китоби", "Қироат китоби" каби дарсликларга киритилган шеър, ҳикоя ва мақолаларда ҳам яққол аён бўлади. Жумладан, у "I-синф талабалари учун махсус" бўлган "Енгил адабиёт" дарслигининг дастлабки беш дарсини Аллоҳ таоло ва Муҳаммад алайҳиссалом ҳамда хулафойи рошидин — Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ, Ҳазрати Умар, Ҳазрати Усмон, Ҳазрати Алилар (розийаллоҳу анҳум) таърифи бағишлаган. Шоирнинг содда мисраларда болаларга тавҳидни баён этишини кўринг:

Худо бирдур, бешерик,  
Ўлмас ҳеч, доим тирик.  
Биздек бадан, жони йўқ,  
Бир сифат бирла — тирик.

Худонинг йўқ отоси,  
Қариндош ҳам оноси,



Ҳам онинг йўқ хотуни,  
Ҳам эру қиз болоси.

Шоир дарсликдаги "Муножот" шаклида ёзилган шеърда (35-дарс) Аллоҳдан миллатга бахт-саодат беришини, маориф чашмасини зиёда айлашини, халқимизни маърифатга ошно қилишини, унга ва имонни илм раҳнамо этишини илтижо қилади.

Ҳамза "Ўқиш китоби" дарслигини ҳам "Бир ақлик мактаб боласининг жаноби Ҳақга қилгон муножоти" билан бошлайди. Бу шеърда ҳам илм ўрганиш орзуида мактабга қадам қўйган боланинг қалб сўзлари ифодаланган:

Ё Илоҳо, хурмати Одам Ато,  
Биз гўдакларга илм айла ато.

Биз умид ила бу мактабга келуб  
Ўқугаймиз, токи бўлғил деб ризо.

Ўргатуб устодимиз билдирдилар,  
Борлигинг ҳам бирлигингни, эй Худо.

Биз яна тун-кун ўқийлик тинмайин,  
Ҳар илмга айла бизни ошно...

Дарсликка киритилган деярли барча шеърларда Аллоҳ таоло номи турли сабаблар билан зикр этилади:

Бизга фарз этди Худо ҳар нарсани даркор ўқув,  
Ҳикмати Ҳақдин эрур бизларга бир осор ўқув.

Ёки:  
Дунёдан ул Худовандим бино қилди қалам,  
Ёзмаққа ҳар борлиқни ибтидо қилди қалам.

Ёки:  
Ҳақ юборган бизга айни лутфи эҳсондир  
китоб,  
Кони аҳкоми шариат, ганжи иймондир китоб.

Ҳамза Бухоройи шариф мадрасаларида таълим олган ҳозик табиб мулла Ибн Ямин Ниёз Муҳаммад ўғлининг фарзанди бўлиб, болалигидан исломий тарбия кўрган. Ўн ёшиданок ўзбекча ва форсчага том саводли бўлгач, мадраса таълими олишга киришади. Зеҳни ўткир Ҳамза мадрасада ҳам яхши ўқийди, диний илмларни пухта эгаллаб олади, араб

тилини яхши ўрганади. Мазлум миллат тараққиёти ва юрт истиқлоли учун курашга интилиши кучли-лигидан 1908 йили жадиждлар билан алоқа боғлади, 1910 йили эса, ўзи мустақил суратда жаҳид мактаби очди. Унинг жаҳид мактабида ҳам "Тавҳид", "Тажвид" дарслари ўқитилар, "Ҳафтияки шариф" мутолаа қилинар эди. Устози Мунаввар қори қаламига мансуб "Ҳавойижи диния" дарслигини ҳам Ҳамза ўз мактаби ўқувчиларига ўқитгани архив ҳужжатлари орқали маълум. Ниҳоят, 1912 йилнинг октабрида ёш Ҳамза насроний динига мансуб Аксиня Уварова исми бир ўрис қизга уйланаркан, аввало уни Исломга олиб киради, яъни, Аксиня мусулмонликни қабул қилиб, ҳатто "Зухроҳон" исмини ҳам олади. Уларни кўқонлик машҳур Фанихон ҳазрат никоҳлаб қўйганлар. Бу иш ҳам шариат руҳсат этган ва Исломда таҳсинга лойиқ амаллардан.


Ҳамза 1912 – 1914 йилларда муборак ҳаж сафарига борган, йигирма тўрт ёшида ҳожи бўлиб қайтган.

Тўғри, улуғ адиб жуда кўп шеърлари, мақолалари, айниқса, 1917 йилдан кейин ёзган драматик асарларида жаҳолат ботқоғига ботиб қолган, бидъатчи, динни тирикчилик ўтказиш, чўнтакни қаппайтириш воситаси қилиб олган айрим мулаларни кескин танқид қилгани яхши маълум. Шўро адабиётшунослари, сиёсатчилари шу жиҳатга асосланиб Ҳамзани "дахрий"га чиқаришди. Ваҳоланки, адиб диннинг эмас, дин ниқобига ўралган бидъат ва хурофотнинг, жаҳолатнинг душмани эди. Шоирнинг диний руҳдаги шеърлари эса, то 1988 йилгача халқдан яшириб келинди.

Ҳамзанинг ўлими ҳақида турли гаплар бор. Улардан бирида улуғ адиб ўлими советлар ГПУси томонидан пухта ишланган оператсиянинг натижаси экани айтилади. Шўролар бу оператсия натижасида ҳам ўткирсўз адибдан, ҳам Шоҳимардон шайхларидан кутулдилар. Чунки Ҳамзанинг қотиллари дея роппа-роса элик киши отилган, турли муддатларга қамалган. Яна бир қарашга кўра, Шоҳимардондаги зиёратгоҳ мазорга бир тўда текинхўрлар ин қуриб олган, бидъату хурофот ишлар ила дин зарар кўраётган эди, бу ҳолга чидай олмаган Ҳамза ўзининг ижоди ва фаолиятини эшон, шайх ниқобларига бурканиб олган ана ўшандай ақидаси бузуқларни фош этишга қаратган ва натижада уларнинг қаҳру вазабига сабаб бўлган. Валлоҳи аълам бис-савоб.

Хулоса шуки, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ҳаёти, ёзган асарлари унинг дахрий эмаслигини исботловчи энг яхши далил ва бурҳондир.

# БОШҚОТИРМА



## Саволлар

**Энига:** 3. Миср ҳокими Расулуллоҳга жўнатган икки чўрининг бири. 5. Румликлар билан бўлган жанг. 7. Мазҳаб имоми. 9. Гуноҳи кабира. 10. Набий (с.а.в.) билан бирга тижорат қилган киши. 12. Пул бирлиги. 13. Туркий миллат. 14. Пайғамбаримизнинг она тарафдан боболари. 17. Қаззоб. 18. Абу Суфён билан бирга мусулмон бўлган киши. 23. Миср ҳокими жўнатган чўрининг иккинчиси. 24. Иброҳимнинг (а.с.) жиялари, пайғамбар. 25. Кичик ҳаж. 28. Расулуллоҳнинг (с.а.в.) ходимлари. 30. Илк расул. 31. Набийнинг (с.а.в.) сўнги газотлари. 33. Расулуллоҳга Аллоҳнинг ўзи унаштирган аёл. 37. Расулуллоҳда набийлик белгисини кўрган яҳудий. 38. Абу Бакрнинг исми. 39. Пайғамбар. 40. Аввал набийликни даъво қилиб, кейин мусулмон бўлган киши. 41. Ҳижрий 3 йили бўлган уруш. 42. Расулуллоҳ хушламаган ранг.

**Бўйига:** 1. Мадинадаги яҳудий қабиласи. 2. Аллоҳ номига қасам ичган жонивор. 3. Миср ҳокими. 4. Маданининг аввалги номи. 6. Қуръонда зикри келган мевалардан бири. 7. Пайғамбарнинг (с.а.в.) боболари. 8. Илк байъат қилинган жой. 11. Жаброил салом йўлаган аёл. 15. Аллоҳ ҳалок қилган қавм. 16. Қилса савоб, қилмаса гуноҳ бўлмаган амал. 18. Муқаддас шаҳарлар жойлашган водий. 19. Сув ҳайвони. 20. Хайбарда Муҳаммад ибн Маслама билан яккама-якка олишувга чиққан яҳудий. 21. Осиёдаги давлат. 22. Судралувчи жонивор. 26. Биолнинг (р.а.) отаси. 27. Сура. 28. Фил асҳобларининг бошлиғи. 29. Саҳоба. 32. Расулуллоҳнинг мактубларини йиртиб ташлаган подшоҳ. 34. Ёсирнинг ўғли. 35. Икки ёрти... 36. Абу Ҳурайранинг (с.а.в.) қабиласи.

«Алиф» ёнидаги катакларни қуйида белгиланган тартибда тўлдирсангиз, энг гўзал бир исми ўқийсиз. Тўлдирish тартиби: "3-1" ёзилган катакнинг ёнига бошқотирмадаги 3-жавобнинг 1-ҳарфини ёзасиз. "1-2" нинг ёнига 1-жавобнинг 2-ҳарфини ёзасиз ва ҳоказо.

Тузувчи: Жамшид НЕЪМАТОВ, Тўйтепа.

## Ёзув-топишмоқ

Ўқий  
олганларнинг  
жавобларини  
кутамыз.



Хаттот: Салимжон БАДАЛБОЕВ